БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 6 (1010)

8 ЯНВАРЬ ЧОРШАНБА 1958 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

БУГУНГИ СОНДА:

Совет давримизга муносиб бўлган янги ажойиб асарлар яратайлик (1-бет).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ (1-бет).

Касаба союзлар ишини янги вазифалар даражасига кўтарайлик: Тошкент шаҳар партия ташкилотининг актив йиғилишидан (2-бет).

УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ—УМУМХАЛҚ ИШИ: **З. Шокиров.** — Ўйларингиз қутлуғ бўлсин (2-бет).

СССР Қуролли Кучларини яна қисқартириш тўғрисида ТАСС ахбороти (2-бет).

РЕДАКЦИЯГА ХАТ: **Я. Толстоног.** — Пардозланган ғишт ишлабчиқаришни тезроқ ўзлаштирайлик (2-бет).

ПАХТАКОРЛАРНИНГ БУТУНИТТИФОҚ БИРИНЧИ ҚУРУЛТОЙИНИ МУНОСИБ СОВҒАЛАР БИЛАН КУТИБ ОЛАЙЛИК: **Кўкламга пухта тайёрланайлик! Б. Халилов.** — Икки хотира (3-бет).

Чет элларда: Халқ бирлик фронти бутунполяк комитетининг мажлиси. А. Завадский нутқи (3-бет).

Халқаро Ленин мукофотининг муносиб лауреати (3-бет).

РЕПОРТАЖ: **Р. Исҳоқов, Б. Голдин.** — «Динамо» спорт залида (4-бет).

ВРАЧ МАСЛАҲАТИ: **Д. Нуруллаев.** — Дифтерия (4-бет).

Касаба союз ташкилотларининг ишчанлик қобилиятини янада оширайлик!

Социалистик мамлакатимиз ҳаётида совет касаба союзларининг роли беиҳоя каттадир. Касаба союзлари миллион-миллион меҳнаткашлар оммаси учун чинакам тарбия мактаби, идора қилиш ва хўжаликни бошқариш мактаби, коммунизм мактаби бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб колади.

КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг «СССР касаба союзларининг иши тўғрисида»ги қарори касаба союзларининг бутун фаолиятини янада ошириш, коммунизм қуриш учун олиб борилаётган умумхалқ курашида уларнинг ролини янада юқори кўтаришда беиҳоя катта аҳамиятга эга бўлган муҳим ҳужжатдир.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорида кейинги вақтда совет касаба союзлари ўз ишини яхшилаганлиги қайд қилинди. Уларнинг фаол иштироки билан ишлаб чиқариш новаторларининг сафлари ўсди, социалистик мусобақанинг янги формалари вужудга келди ва ривожланди, меҳнат ва иш ҳақига оид бир қанча муҳим масалалар кўйилди ва муваффақиятли ҳал қилинмоқда, уй-жой қурилиши соҳасида партия томонидан белгиланган программани бажаришда касаба союзларининг роли оширилди.

Партия ва Совет ҳукумати кейинги йилларда КПСС XX съезлининг тарихий қарорларини амалга оширишга мақсадида халқ хўжалигини янада зўр бериб ривожлантириш соҳасида жуда муҳим тадбирларни белгилаб бердилар. Саноат ва қурилишни бошқаришни қайта қурилганлиги касаба союз ташкилотларининг амалий ишида ҳам кўпгина янгиликлар яратди. Иқтисодий районларнинг ташкил этилиши ва халқ хўжалик кенгашларининг тузилиши, раҳбарликнинг ишлаб чиқаришга якинлашганлиги натижасида касаба союз ташкилотларининг роли ва масъулияти шубҳасиз ошди. Бу эса касаба союз ташкилотларидан меҳнаткашлар оммасининг ижодий ташаббуси ва активлигини янада кучайтириш, уларнинг давлат, хўжалик ва маданий қурилишни бошқаришга янада кенгроқ жалб қилишни талаб этди.

Область саноат корхоналарида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақанинг самарали якунлари меҳнаткашлар оммасининг ижодий ташаббуси, меҳнат ғайрати беиҳоя ўсганлигини кўрсатди. Область саноат корхоналарида ўтган йили социалистик мусобақанинг қизитиб юборилганлиги туфайли ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш давлат плани муддатидан илгари — 17 декабрда бажарилди. Меҳнат унумдорлиги 1956 йилдагига нисбатан 6,4 процент, шу жумладан Тошкент шаҳри корхоналарида 8,1 процент ошди. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 1956 йилдагидан 11,7 процент кўпайтирилди. Йил давомида ишлаб чиқаришга 6000 дан кўпроқ рационализаторлик ва ихтиročилик таклифларининг жорий этилиши натижасида 46 миллион сўмдан зиёд фойда келтирилди.

Бу ютуқларни қўлга киритишда касаба союз ташкилотларининг ҳам ҳиссаси бордир. Улар меҳнатни тўғри ташкил этиш, социалистик мусобақани оммавий ҳаракатга айлантириш, мусобақадошларга қулай иш шароити яратиб бериш, ишлаб чиқариш илғорларининг тажрибаларини кенг оммалаштириш, ниҳоят, рационализаторлик ва ихтиročилик таклифларини ишлаб чиқаришга кўплаб жорий қилиш каби ишлабчиқаришнинг муҳим масалалари билан бевосита шуғулландилар.

Бироқ, ҳамма жойда ҳам касаба союз ташкилотлари ҳозирги талаблар даражасида ишлабди, деб бўлмайди. Шундай ташкилотлар ҳам борки, улар социалистик мусобақага жонли, конкрет раҳбарлик қилиш, ишчилар оммасининг ижодий ташаббусини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқариш кенгашларида кўрсатилган камчиликларни маъмурият билан биргаликда тугатиш, ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга ёрдам берадиган фойдали таклифларни амалга ошириш ўрнига расмиятчилик ва қоғозбозлик билан кўпроқ ўралашиб қоладилар. Улар меҳнат тўғрисидаги қонунларга риоя қилиниши устидан давлат назорагини амалга ошириш ҳамда меҳнат муҳофазасининг аҳволи юзасидан, жамоат контроллигини амалга ошириш юзасидан ўзларига берилган ҳуқуқлардан тўла фойдаланмайдилар, уй-жой қурилиши планларининг бажарилиши ва уй-жой биноларининг тақсимланиши устидан, савдо шохобчалари, умумий овқатланиш муассасалари ишини назорат қилмайдилар, ишлаб чиқариш кенгашларининг ролига етарли баҳо бермайдилар.

Масалан «Таштекстилмаш», «Грампластинка», Чирчиқ ғишт заводлари, Янгийўл пахта тозалаш заводи ва бошқа айрим корхоналарнинг касаба союз ташкилотлари бунга мисол бўла олади. Бу корхоналарнинг касаба союз ташкилотлари меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулотнинг сифатини яхшилаш ва таннархини камайтиришга кенг ишчилар оммасини сафарбар этувчи социалистик мусобақанинг чинакам ташкилотчилари бўлмаётирлар. «Грампластинка» заводида социалистик мусобақада олинган мажбуриятлар қоғозда қолиб кетди. Ўнинг бажарилишини текшириш билан ҳеч ким шуғулланмади. «Таштекстильмаш» заводи комитети ишлаб чиқариш кенгашларининг ролига етарли баҳо бермади.

Тошкент шаҳар партия активининг якинда бўлиб ўтган йиғилиши КПСС Марказий Комитети декабрь пленумининг якунларини муҳокама килди. Йиғилиш касаба союзлари ишини ҳозирги кунниг юксак вазифалари даражасига кўтаришда, уларни хўжалик ва маданий қурилишдаги ролини янада оширишда шаҳар партия ташкилотлари олдида турган конкрет вазифаларни белгилади. Касаба союзларининг асосий вазифаси оммани халқ хўжалигининг барча тармоқларини янада юксалтириш учун, Совет давлатининг иқтисодий қудрати ва мудофаа қувватини янада мустаҳкамлаш, халқ хўжалиги планларини тўла ва ошириб бажариш, техника тараққиёти, меҳнат унумдорлигини узлуксиз ошира бориш, халқ хўжалигининг барча звеноларида қаттиқ иқтисодий тежашни амалга ошириш, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг моддий таъминот ва маданий даражасини янада юксалтириш мақсадида барча резерв ва имкониятлардан максимал даражада фойдаланиш учун курашга сафарбар қилишдан иборатдир.

Бу вазифаларни амалга ошириш да партия ташкилотлари касаба союз ташкилотларига раҳбарликни кучайтиришлари, уларга яқиндан ёрдам беришлари, моҳирлик билан йўл йўриқ кўрсатишлари, ишдаги камчиликларни бартараф қилишлари, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлашлари, бу ташаббусларни амалга оширишда коммунистларнинг актив иштирок этишларини таъминлашлари лозим.

Партия ташкилотларининг вазифаси касаба союз ташкилотлари олдида турган янги ва мураккаб вазифаларни ҳар бир коммунист, ҳар бир касаба союз аъзосига ва кенг ишчилар оммасига етказиш ва касаба союз ташкилотларининг ишчанлик қобилиятини ҳар тарафлама оширишдан иборатдир.

МУСОБАҚА ИЛҒОРЛАРИГА КЎЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҚ БЕРИЛДИ

Тошкент область ижроия комитети ва область партия комитети МТС ва совхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1 январдан 5 январгача бўлган якунини кўриб чиқдилар.

Область ижроия комитети ва область партия комитетининг кўчма Қизил байроғи **1-Мирзачўл МТСига** (директори **Сутюшев,** партия ташкилотининг секретари **Холиқов,** бош агроном **Кодиров,** бош инженер **Чернобай** ўртоқлар) берилди. Бу МТС ўтган беш кунликда йиллик планга нисбатан 12,6 процент ерни шудгор қилган, шудгорлаш планини 68,5 процент бажарган. Байроқ 2-Янгийўл МТСидан олиб берилди.

Шудгорлашда намуна кўрсатган илгор механикларни, тракторчиларни, прицепщикларни, МТС ишчиларини мукофотлаш учун Мирзачўл МТСига 3 минг сўм пул берилди ва битта юк автомашина ажратилди.

2-Янгийўл ва **1-Оққўрғон МТС**ларнинг ерларни шудгор қилиш бўйича яхши ишлаганликлари қайд қилинди.

Область ижроия комитети ва область партия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Ўрта Чирчиқ районидаги Киров номли совхозга** (директори **Пак,** партия ташкилотининг секретари **Федин,** бош агроном **Хомич,** бош инженер **Син** ўртоқлар) берилди. Бу совхоз ўтган бешкунликда йиллик планга нисбатан 15,8 процент ерни шудгор қилган, шудгорлаш планини 108,6 процент бажарган.

Шудгорлашда намуна кўрсатган механизаторларни, тракторчиларни, прицепщикларни, МТС ишчиларини мукофотлаш учун Киров номли совхозга 3 минг сўм пул берилди ва битта юк автомашинасы ажратилди.

«Малик» ва **2-«Далварзин» совхозларининг** ерларни шудгорлаш бўйича яхши ишлаганликлари қайд қилинди.

Совет давримизга муносиб бўлган янги ажойиб асарлар яратайлик

☆ ☆ ☆

Фахрли ва шарафли бурчимиз

1958 йилда Москвада бўладиган ўзбек адабиёти ва санъати декадаси ўзбек халқининг Совет ҳокимияти йилларида маданий соҳада эришган ютуқларига кўрик, муваффақиятларимизнинг ёрқин намойиши, санъаткорларга эса бундан бўёнги фаолият учун ижодий мактаб бўлади.

Ана шунинг учун ҳам декада санъаткорлар зиммасига жиддий масъулият юклайдики, бу бизлан декадага пухта тайёргарлик кўриш, кўп куч сарф этиш, маҳоратимизни янада такомиллаштиришни талаб этади.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг республика адабиётчилари ва санъаткорларига қилган Мурожаати зиммамизларга масъулият жиддийлигини яна бир марта таъкидлади ва олдимизга янги вазифалар қўйди.

Ўзбекистон Давлат филармонияси коллективи, шу жумладан янги ташкил этилган рақс ансамбли бу Мурожаатга жавобан ўз иш плянини қайта кўриб чиқди ва декадага тайёргарлик юзасидан тегишли тадбирлар белгилади. Рақс ансамбли 60 кишидан иборат бўлиб, тажрибали ўйинчилар ва хореография мактабини тамомлаб чиққан ёшлардан иборатдир. Декадага тайёргарлик кўришда ёшлар ва студентларнинг VI Жаҳон фестивали ва театрлар ҳамда музика коллективларининг Бутуниттифоқ фестивали лауреатларидан Т. Юнусова, Р. Қурбонова, Р. Қурмаева, Д. Бойбуганова, З. Раҳматуллаева, Д. Абдуллаева, Қ. Дадаевлар ўз устларида қунт билан ишламоқдалар.

Рақс ансамблининг икки хил программаси бор. Биринчи программага киритилган рақслар рангбаранг бўлиб, унда «Гул ўйини», «Уфори санам», «Баҳор вальси», «Баёт», «Занг» каби ўйинлар ва уйгурча, хоразмча, ҳиндча, корейсча, испанча рақслар бор. Бу рақслар ансамбль коллективи томонидан ижро этилади. Ансамбль тайёрлаган бу программада якка ўйинчилар томонидан ижро этиладиган рақслар ҳам бор. «Жонон», «Баҳор», «Шўх қиз», «Учрашув», «Дилбар» рақслари ана шулар жумласидандир.

Ансамблнинг иккинчи программасига республикамизнинг 10 обдастидаги халқ ўйинлари киритилган. Программа номерлари охирида «Пахта байрами» рақси намойиш қилинади. Мурожаатдан руҳланган ансамбль иккинчи программа номерларини ҳам тезроқ тайёрлаш ишларини жадаллаштириб юборишлар.

Ҳозир ансамблининг созандалар состави ҳам анча яхшиланди. Э. Тошматов, С. Алиев, А. Азимов, М. Холиқов сингари ёш, талантли созандалар ансамблга жалб қилинди.

Ансамбль тайёрлаётган биринчи программа тез кунда тамошабинларга тақдим этилади. Тамошабинлар томонидан бериладиган баҳо ансамбль коллективининг қай даражада ишлаганини кўрсатади.

Биз бундан буён ҳам репертуаримизни бойитиш, маҳоратимизни ошириш, декадада халқимиз ишончини оқлаш учун ҳормай-толмай ишлаймиз.

М. ТУРҒУНБОЕВА,
Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ўзбекистон Давлат филармонияси рақс ансамблининг бадиий раҳбари.

Мурожаатдан илҳомланиб

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг республика санъат ва адабиётининг барча ходимларига қилган мурожаатида биз санъаткарлар олдига халқ оммасига етиб борадиган, қувноқ ва хушчақчақ, совет халқининг меҳнатини, тинч ижодий турмушини куйлайдиган музика асарлари яратиш вазифаси қўйилган.

Бу вазифа биз санъаткорлар зиммасига ўз устимизда жиддий ишлаш, ижодий изланиш, маҳоратимизни такомиллаштиришдек катта масъулият юклайди. Биз ана шу масъулиятни сезиб, астойдил ишласак, олдимизга қўйилган вазифани шараф билан ado этишимиз ва чинакам оммабоп музика асарлари яратишимиз мумкин. Бунинг учун бизда ҳамма имконият бор.

Мурожаат бошқа касбдошларим сингари мени ҳам илҳомлантирди ва ижодий фаолиятим учун конкрет йўл-йўриқлар кўрсатиб берди.

Мен Москвада бўладиган ўзбек адабиёти ва санъати декадасига тайёргарлик кўриб «Партия ҳақида кантата»ни тез ва халқчил қилиб яратиш устида иш олиб бормоқдаман. Кантатада барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси жонажон Коммунистик партиямиз мадх этилади. Кантатадан ташқари якка ва группа ижро этувчиларга айрим музика асарлари ёзмоқдаман.

Мурожаатни ўқиб чиққач, ўз ижодий планларимни кўздан кечирдим ва яратаётган асарларим оз эканлигини сездим. Шунинг учун мен декадага янада йириқроқ ва ранг-баранг асарлар билан қатнашишни ният қилиб, Ҳабиб Саидовнинг «Қизил сув» пьесасига музика ёзишни жадаллаштирдим.

Мен бутун куч ва қобилиятимни оммабоп қўшиқлар ва жозибадор, мазмундор, ёқимли йирик музика асарлари яратиш учун сарф қиламан. Зотан партия ва ҳукуматимизнинг, букуннинг талаби ҳам ана шундай.

Д. СОАТҚУЛОВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист.

Декадада қатнашиш ҳар бир адабиётчининг шарафли бурчи

Ҳозирги вақтда республикамизнинг барча ёзувчилари ва санъат ходимлари декадага зўр тайёргарлик кўрмоқдалар. Уларнинг орзу-тилаклари декадага муносиб асарлар билан қатнашиш, ўз ижодлари билан халқимизни коммунистик руҳда тарбиялашдан иборатдир.

Шонли Коммунистик партия ва жонажон Совет ҳукумати адабиёт ва санъатни ривожлантириш учун жуда катта ёрдам бермоқда ва унинг ўсиши учун тинмай ғамхўрлик қилмоқда. Партиямиз муваффақиятли чиққан ҳар бир бадиий асарни халқ хўжалигида эришилган катта ютуқка тенглаштирмоқда.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг республикадаги санъат ва адабиётнинг барча ходимларига мурожаати бунинг ёрқин исботидир. Партия киши руҳининг инженерларидан, давр билан ҳамнафас бўлиб, ҳаёт билан бирга қадам ташлаб, улуғ замонамиз кишиларининг олижаноб сифатларини ифодаловчи бадиий асарлар ёзишни талаб қилмоқда. Бу талаб адабиётшунослар ва танқидчиларимизга ҳам тўла равишда таллуқлидир. 1951 йилдаги декадага адабиётшунослар ўзларининг йирик асарлари билан қатнашмаган бўлсалар, бу йил улар улуғ пойтахтга бир қанча монографиялар, илмий-асарлар билан борадилар.

Тил ва адабиёт институти илмий ходимларининг декадага қўшадиган ҳиссаси ҳам каттадир. Республикамиз маданияти тарихида биринчи марта «Ўзбек совет адабиёти тарихининг очерклари» каби йириқ илмий полотно нашрга тайёрланмоқда. Илмий ходимларимиз Ҳамза, Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор ижодлари ҳақидаги монографияларни декадага совға қилиш учун ҳаракат қилмоқда. Бундан ташқари, ходимларимиз «Ўзбек поэзиясининг антологияси», икки томлик ўзбек халқ эртаклари, ўзбек тили илмий грамматикасининг иккинчи томини (биринчи том босилиб чиқди) нашрга топшириш устида иш олиб бормоқдалар. Баъзи илмий ишларимиз китобхонларга тақдим қилинди.

Лекин шуни айтиб ўтиш керакки, декада планидаги илмий ишларни тамомлаб нашрга топшириш анча суст кетмоқда.

Адабиётшунослар ва тилшунослар Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Мурожаатидан илҳомланиб, кучларига-куч, ғайратларига-ғайрат қўшиб, зўр бериб меҳнат қилиб, кўрсатилган илмий асарларни ўз вақтида сифатли қилиб нашрга топширишларига ишонамиз.

Ҳ. АБДУСАМАТОВ,
А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институтининг старший илмий ходими.



ОҲАНГАРОН. Ўрта Осиёдаги энг йирик давлат район электро станциясининг биринчи агрегати саноат токи ишлаб чиқармоқда. Суратда: биринчи агрегатнинг машина зали.
В. Лейзерович фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Курск шаҳрида немис-фашист қўшинларининг ўқ-дори омборидаги миналарни олиб ташлаш ва бу омборни йўқ қилишда қатнашган ҳарбий хизматчилар ва гражданларни орден ва медаллар билан мукофотлаш тўғрисида

Улуғ Ватан уруши йилларида немис-фашист қўшинлари миналар қўйган ўқ-дори омборини йўқ қилиш юзасидан топшириқларни намунали бажарганликлари ва бу ишда фидокорлик, мардлик ва жасурлик кўрсатганликлари учун қуйидагилар **мукофотлансин:**

ҚИЗИЛ ЮЛДУЗ ОРДЕНИ БИЛАН

1. Сержант **Голубенко** Василий Иванович
2. Капитан **Горелик** Евель Хаимович
3. Полковник **Диасамидзе** Михаил Степанович
4. Лейтенант **Ивашченко** Виктор Иванович
5. Оддий аскар **Маргишвили** Дмитрий Иванович
6. Младший сержант **Махалов** Иван Аркадьевич
7. Старший лейтенант **Поротиков** Георгий Михайлович
8. Оддий аскар **Солодовников** Николай Макарович
9. Старшина **Тюрин** Михаил Павлович
10. Оддий аскар **Урушадзе** Гурам Сарапионович
11. Оддий аскар **Ҳакимов** Комил

«ЖАСУРЛИК КЎРСАТГАНИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

1. Оддий аскар **Бочаров** Иван Васильевич
2. Лейтенант **Селиванов** Анатолий Антонович
3. Оддий аскар **Чекригин** Александр Николаевич
4. **Шергунов** Николай Семенович.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва Кремль
1958 йил 6 январь.

ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛИ МОСКВА ҲАРБИЙ БИЛИМ ЮРТИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА ТАНТАНАЛИ БАЙРАМ

Бундан қирқ йил муқаддам В. И. Ленининг кўрсатмасига мувофиқ, ёш Совет давлатининг биринчи ҳарбий ўқув юрти — Биринчи Москва революцион пулемёт мактаби ташкил этилган эди. Бу мактаб кейинчалик ВЦИК номидаги бирлашган мактабга айлантирилди, эндиликда эса РСФСР Олий Совети номидаги Қизил Байроқли Москва ҳарбий билим юртидир. Социализм мамлакати Қуролли Кучларининг қўмондон кадрларини етиштирувчи бу кекса ўқув юртининг юбилейи 6 январда Кремлда тантанали вазиятда байрам қилинди.

Байрам қатнашчилари СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошиловни, РСФСР Министрлар Советининг Раиси Ф. Р. Козловни, СССР Мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали Р. Я. Малиновскийни ва бошқаларни самимий кутиб олдилар.

Билим юртининг бошлиги Совет Иттифоқи Қаҳрамони генерал-майор Г. М. Лёнев кириш нутқи сўзлади.

Шундан кейин РСФСР Олий Советининг Раиси И. В. Горошкинга сўз берилди.

СССР Мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали Р. Я. Малиновский катта нутқ сўзлади.

Москва ёшларидан — ВЛКСМ Москва шаҳар комитетининг секретари С. П. Павлов ва билим юртида тарбия олиб чиққанлар номидан Совет Иттифоқи Маршали С. С. Бирюзов билим юртининг шахсий составига қарата табрик нутқлари сўзладилар.

Тантанали қисм тугагандан кейин ҳамма Георгий ва Владимир залларига, Грановитая палатага чиқдилар, бу ерда пойтахт санъат усталарининг иштироки билан катта байрам кечаси бўлди. (ТАСС).

МУСОБАҚАДОШ ИҚТИСОДИЙ РАЙОНЛАРДА

Киев — асбобсозлик саноати маркази

Киев шаҳри Украина республикасининг йирик асбобсозлик саноати маркази ҳисобланади. Политехника институтининг экспериментал устахонаси базасида бунёдга келган «Тоҳэлектроприбор» заводи ҳозирги пайтда мамлакатимизнинг энг йирик асбобсозлик корхоналаридан бирига айланган. Бу ерда 150 хил маҳсулот ишлаб чиқарилаётир. Завод ходимлари мамлакатда биринчи бўлиб юқори класс аниқликдаги вольтметр ва амперметрлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар, германий металлидан ясалган яримўтказгичлардан универсал таҳсимлаш асбоблари тайёрламоқдалар.

«Тоҳэлектроприбор» заводи шлюзларни автоматик равишда бошқариш учун ишлатиладиган аппаратуралар, гидроэлектростанцияларда шлюз камераларидаги ва ўзандаги сув сатҳини аниқ кўрсатувчи ўлчагичлар тайёрлаш бўйича мамлакатдаги ягона корхонадир. Бу ерда тайёрланган мана шундай маҳсулотлар Куйбишев, Сталинград, Каховка, Усть-Каминогорск ва бошқа бир қанча гигант гидроэлектростанцияларда, В. И. Ленин номли ва Москва номли каналларда муваффақиятли суратда қўлланилаётир.

Кама ГЭСининг икки томонлама транспорт ўтказувчи шлюзини автоматик бошқаралиган асбоб тайёрланганлиги корхона коллективининг катта муваффақияти бўлди. Энди бу ГЭС шлюзидан сув транспорти бир вақтнинг ўзида ҳар икки томонга қатнайверади. Шу кунларда корхона коллективи СССР ягона энергосистемаси учун юқори вольтли электр қуввати узатиш линияларига турли реле асбоб-ускуналари тайёрламоқда.

Сўнгги 10 йилда маҳсулот тайёрлаш ҳажмини икки баравар оширишга муваффақ бўлган завод коллективи шу йилнинг ўзида 8 хил янги маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштирди ва ҳозирда уларни кўплаб тайёрламоқда.

Мамлакатимиз озиқ-овқат ва химия саноати корхоналарида Киев контроль ўлчов асбоблари заводи маркаси босилган аппаратураларни кўплаб учратиш мумкин. Бу заводда жуда кўп хил энг мукаммал ва прогрессив автомат аппаратура ва асбоблар ишлаб чиқарилади. Заводда нон пиширишга печлари конвейерини автоматик усулда бошқарадиган электр релелар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, шарбатлар составида қанча миқдор қант борлигини автоматик тарзда аниқлайдиган асбоб яратилди. Бу асбоб электроника ва оптика фани ютуқлари асосида яратилган бўлиб, у бехато ишлайди. Шунингдек, қанд заводларида шарбат оғирлигини ва зичлигини аниқ кўрсатадиган асбоб ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилди.

Шаҳардаги геофизика асбобсозлиги заводида тайёрланган бир қанча мукаммал аппаратураларни мамлакатимиздаги барча нефтчилар, геологлар ва кон қазувчилари севиб қўлланаётирлар. Пойтахтнинг «Реле ва автоматика», «Рентон» электромеханика ва бошқа корхоналарида ҳам СССР халқ хўжалигининг турли тармоқлари учун ҳозирги замон талабларига тўла жавоб берадиган асбоблар, аппаратуралар ишлаб чиқарилаётир. Киев асбобсозлари техникани янада тараққий эттириш, Ватанимиз саноат корхоналарини энг янги ва юқори иш унумли асбоб-ускуналар билан кўпроқ таъминлаш йўлида самарали ишлар қилмоқдалар. (ТАСС).

Касаба союзлар ишини янги вазифалар даражасига кўтарайлик

Тошкент шаҳар партия ташкилотининг актив йиғилиши

6 январда Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида Тошкент шаҳар партия ташкилотининг актив йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитети Президиумининг составини кўтаринки руҳ билан фахрий президиумга сайладилар.

КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг якунлари ва Тошкент шаҳар партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари Ўртоқ Р. Е. Мельников доклад қилди.

—КПСС Марказий Комитетининг декабрь пленумида қабул қилинган қарорлар, — деди докладчи, — бутун партиямиз учун, мамлакатимиздаги барча меҳнаткашлар учун ғоят катта аҳамиятга эгадир.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг Коммунистик ва ишчи партиялари вакиллари Кенгашларининг якунлари тўғрисидаги қарорида айтилишича, бу Кенгашлар жаҳон коммунистик ва ишчи ҳаракатининг ғоявий ва сиёсий жиҳатдан катта ғалабасини кўрсатади. Кенгашлар социалистик лагернинг ва бутун халқаро коммунистик ҳаракатнинг марксизм-ленинизм ғоявий асосида янада жипслашганлигини ишончли тарзда намойиш қилиб кўрсатди.

Ўзбекистон партия ташкилоти, жумладан Тошкент партия ташкилоти Москва Кенгашларида қабул қилинган тарихий ҳужжатларни — Декларация ва Тинчлик Манифестини яқдиллик билан маъқуллладилар ва бу ҳужжатларда қўйилган вазифаларни шараф билан бажармоқдалар.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорида кўрсатилганидек, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси бундан буён ҳам барча коммунистик ва ишчи партиялар билан қардошларча алоқасини муттасил мустаҳкамлайди, барча совет кишиларини совет ватанпарварлиги билан пролетар интернационализмини чамбарчас мослаш руҳида, социалистик лагерь мамлакатлари халқларига, барча мамлакатларнинг меҳнаткашларига дўстлик ва уларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашни таъминлайди.

Ўртоқ Мельников КПСС Марказий Комитети Пленумининг «СССР Касаба союзларининг иши тўғрисида»ги қарорига тўхталиб айтдики, партиямиз Марказий Комитети касаба союзлар ишини тубдан қайта қуришнинг, уларнинг хўжалик ва маданий қурилиш соҳасидаги, халқ моддий фаровонлиги ва маданий савиясини янада юксалтириш учун кураш соҳасидаги ролини янада оширишнинг жанговар программасини ишлаб чиқди.

Касаба союзлари — СССР ишчилар синфининг энг оммавий ташкилотидир. Касаба союзлари партия раҳбарлиги остида катта ташкилотчилик ва маданий-тарбиявий ишларни олиб бормоқда. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми кўрсатиб ўтдики, касаба союзларининг асосий вазифаси оммани халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини янада кудратли равишда юксалтириш учун, совет давлатининг иқтисодий қудрати ва мудофаа салоҳиятини янада мустаҳкамлаш учун, халқ хўжалиги планларини бажариш ва ошириб бажариш учун, техниканы тараққий эттириш учун, меҳнат унумдорлигини муттасил ошириш учун, халқ хўжалигининг ҳамма звеноларида қатъий тежаш бўлиши учун, ҳамма резерв ва имкониятлардан саноат ва қишлоқ хўжалигини тез суръатлар билан юксалтиришда максимал даражада фойдаланиш учун, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини ва маданиятини янада ошириш учун курашга сафарбар қилишдан иборатдир.

Докладчи айтдики, 300 мингдан кўпроқ касаба союз аъзоларини бирлаштирувчи Тошкент касаба союз ташкилотлари сўнгги вақтларда ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал қилиш соҳасида ўз активликларини анча оширдилар. Бироқ, шаҳар касаба союз ташкилотлари, фаолиятининг ҳозирги даражаси ўсиб бораётган вазифаларга мувофиқ эмас. КПСС Марказий Комитети Пленумида очиб ташланган касаба союз ишидаги жиддий камчиликлар Тошкент касаба союзлари учун ҳам, уларнинг раҳбар органлари — Узсовпроф, касаба союз республика комитетлари учун ҳам характерлидир.

Кўпгина касаба союз органларида социалистик мусобақага раҳбарлик методларида расмиятчилик, кампаниячиликка барҳам берилмаган. Масалан, «Главташкентстрой» қурилишларида мусобақага «бинокорлар куни» яқинлашгандагина якун ясалади. Кўпчилик корхоналарда, хусусан лак-бўёқ заводида, 1-авторемонт заводида ва бошқа корхоналарда ишлаб чиқариш кенгашларининг аҳамиятига етарли баҳо берилмаётир.

Кўпгина касаба союз ташкилотлари меҳнат қонунларининг, техника хавфсизлиги қоидаларининг бузилаётганлигига, умумий овқатланиш корхоналарининг ёмон ишлаётганлигига бепарво қарамоқдалар, уй-жой қурилиши планларининг бажарилиши устидан контроллик ўрнатмаётирлар, қурилишларда бракка йўл қўйилаётганлигига бефарқ қарамоқдалар.

Оммани коммунистик руҳда тарбиялашда касаба союзларнинг роли жуда каттадир. Тошкент касаба союз ташкилотлари ихтиёрида кўпгина клублар, маданият саройлари, кутубхоналар бор. Бу муассасаларнинг баъзиларида, масалан, тўқимачилар ва тикувчиларнинг маданият саройларида маданий-тарбиявий ишлар олиб борилмоқда. Бироқ, на Ўзбекистон касаба союзлари совети, на республика касаба союз комитетлари энг яхши касаба союз маданий-оқартув муассасаларининг иш тажрибасини оммалаштирмаётирлар.

Докладчи касаба союзларга партия раҳбарлигини тубдан яхшилаш зарурлиги ҳақида гапиради. Шу асосдагина касаба союзларининг давлат, хўжалик ва маданий қурилишдаги, оммани ижодий активлигини оширишдаги, меҳнаткашларни мамлакатимизда коммунизм қуришдан иборат вазифани муваффақиятли бажаришга сафарбар қилишдаги ролини ошириш мумкин.

Йиғилиш қатнашчилари Ўз нуқталарида халқнинг ҳаётий манфаатларини акс эттирган КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми қарорларининг Ўзбекистон пойтахти коммунистлари, барча меҳнаткашлари томонидан яқдиллик билан маъқулланганлиги ҳақида гапирдилар.

Меҳнаткашларнинг йиғилишларида ва митингларида, бошланғич партия ташкилотларининг мажлисларида коммунистлар, барча меҳнаткашлар социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари вакиллари Кенгашларининг Декларацияси ва Тинчлик Манифестини кўтаринки руҳ билан маъқуллаганликлари кўрсатиб ўтилди.

Актив йиғилишининг қатнашчилари шаҳар касаба союз ташкилотлари фаолиятини КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми ўртага қўйган вазифалар нуқтаи назаридан кўриб чиқиб, касаба союзлар ишидаги камчиликларни очиб ташладилар, хўжалик-сиёсий вазифаларни ҳал қилишда уларнинг ролини ошириш йўлларини кўрсатиб бердилар.

Ўзбекистон КП Октябрь район комитетининг секретари Ўртоқ Летунов айтдики, кўпгина корхоналарнинг партия ташкилотлари сўнгги вақтларда касаба союз ишига кўпроқ эътибор бера бошладилар, уларнинг иши анча конкрет ва таъсирчан бўлиб қолди. Ирригация машинасозлик заводида, 2-пойафзал фабрикасида касаба союзларнинг активлиги сезиларли даражада ошди. Бироқ, район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари касаба союз активи кадрларини тарбиялашга ҳали ҳам етарли эътибор бермаётир.

Ўртоқ Летунов айрим касаба союз раҳбар органларини қўйи ташкилотларга сўст раҳбарлик қилаётганликлари учун танқид қилди. Масалан, озиқ-овқат саноати ходимлари касаба союзининг республика комитети корхоналардаги аҳволни яхши билмайди. Ўзбекистон касаба союзлари совети касаба союз ишидаги тажрибани умумлаштириш ва оммалаштириш билан кам шуғулланмоқда.

«Ўзбексельмаш» заводи касаба союз завод комитетининг раиси Ўртоқ Усмонов айтдики, касаба союз ташкилотлари ишлаб чиқаришдаги ўз ҳуқуқларидан ҳар доим ҳам фойдаланмаётирлар, улар хўжалик раҳбарларига кам талабчанлик қилмоқдалар. Айрим раҳбарлар касаба союзларни менсимайдиган, уларнинг фикри билан ҳисоблашмайдиган фактлар тез-тез учраб туради. «Ўзбексельмаш»да завод раҳбарлари ва ҳатто цех бошлиқлари касаба союз ташкилотига ҳабар бермасдан ва у билан келишмасдан дам олиш кунларини бошқа кунга кўчирмоқдалар. Бундай ҳолларга чек қўйиш керак.

Транспорт машинасозлиги заводи қуюв цехидаги касаба союз ташкилотининг иш тажрибаси тўғрисида цех комитетининг раиси Ўртоқ Усмонов гапириб берди. Бу ерда мусобақанинг таъсирчан бўлиши тўғрисида ғамхўрлик қилинмоқда, қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши муntазам равишда текшириб турилади.

Ўртоқ Усмонов касаба союз ташкилотлари савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ишини яхшилашга эришишлари лозимлигини кўрсатиб ўтди. Бу корхоналарнинг кўпгина раҳбарлари, хусусан 2-ОРС раҳбарлари ишчилар контроллининг сигналларига қулоқ солмаётирлар.

Ўзбекистон касаба союзлар советининг секретари Ўртоқ Парамошкин қўйи ташкилотларга раҳбарлик услубини қайта қуриб олмаган Узсовпроф адресига айтилган танқидларни тўғри деб тан олди. Нотиқ кўпгина касаба союз ташкилотларининг социалистик мусобақага қоникарсиз раҳбарлик қилаётганликлари, меҳнаткашларнинг маиший эҳтиёжларига эътиборсизлик билан қараётганликлари тўғрисида фактлар келтирди.

1-пойафзал фабрикасининг директори Ўртоқ Шомуҳитдинов ишлаб чиқариш кенгашларини муntазам ўтказиб туришнинг ва бу кенгашларнинг ишлаб чиқаришни ташкил қилишдаги ролини оширишнинг аҳамияти ҳақида гапирди.

Партия активининг йиғилиши КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорларини яқдиллик билан маъқуллади. Қабул қилинган резолюцияда шаҳар касаба союз ташкилотлари фаолиятини янада яхшилашга ва уларга партия раҳбарлигини кучайтиришга қаратилган тадбирлар белгиланди.

Партия активи йиғилишида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари С. К. Камолов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси М. З. Мирзаҳмедов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари Р. Ғ. Ғуломов, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари С. Н. Нуриддинов ўртоқлар қатнашдилар.

Партия активи КПСС Марказий Комитетини ишонтириб айтдики, Тошкент партия ташкилоти КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарорларини шараф билан бажаради ҳамда партия XX съезди белгилаган коммунистик жамият қуришдан иборат улуғвор вазифани амалга ошириш учун курашда оммаининг ижодий активлигини янада авж олдиришга эришади.

А. АБДУРАИМОВ.



Олмалиқ шаҳри областимизнинг йирик индустриаль шаҳрига айланиб бораётир. Шаҳар меҳнаткашлари ўтган йил давлат планини муддатидан олдин бажариб 25 миллион сўмлик қўшимча маҳсулот тайёрлаб бердилар. Олмалиқликлар 1958 йилни ҳам муваффақиятли якунлаш учун курашаётирлар. **Суратда:** қазиб олинган рудани Олтинтопган қўрғошин-руҳ комбинатига жўнатиш пайти.

Г. Пун фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

Савдо ходимларининг муваффақиятлари

Бекобод районидаги «Ўзбекобод» сельпоси бешта йирик колхозга хизмат қилади. Сельпонинг 25 га яқин магазини ва бир нечта ошхона, чойхоналари колхозларда ишлаб турипти.

Сельпо ходимлари социалистик мусобақани авж олдириб, колхозчиларга маданий савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш ва товар оборот планини муддатидан олдин бажариш учун астойдил ҳаракат қилдилар. Айниқса пахта йиғим-терими мавсумида кўплаб харидорбоп моллар келтириб сотилди, пахтакорлар учун зарур озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа товарлар ўз вақтида етказиб турилди.

Савдо ходимларининг бу ҳаракати яхши натижа берди. Улар йиллик товар оборот планини 22 декабрга қадар бажариб, 22 миллион 700 минг сўмлик савдо қилдилар. Илғор магазин мудирларидан А. Холиқулов, Н. Мавлонов, У. Жўлибоев, К. Боботоев ва Н. Умурзоқова ўртоқлар эса йиллик товар оборот планларини анча ошириб бажардилар. Сельпонинг меҳнатсевар ходимлари аҳолига савдо хизмати кўрсатишни янада яхшилаш соҳасида тинмай ишламоқдалар.

А. АБДУРАИМОВ.

Кекса педагог юбилейи

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтида тарих фанлари кандидати, доцент Давлат Юсуповнинг туғилганига 60 йил ва педагогик фаолиятига 45 йил тўлиши муносабати билан юбилей кечаси ўтказилди.

Кечада сўзга чиққан институт директори Ш. Абдуллаев, марксизм-ленинизм кафедрасининг мудири доцент Багдасаров ўртоқлар юбилярнинг илмий ва педагогик фаолияти ҳамда гражданлар урушидаги кўрсатган хизматлари тўғрисида гапирдилар. Шунингдек кекса педагогнинг ҳамкасабалари ҳам сўзга чиқиб юбилярни қизғин табрикладилар ва олимга узоқ умр, ишида муваффақиятлар тиладилар. Институтнинг старший ўқитувчиси С. Сайдалиев юбилярга ўзбек тўйи кийгизди.

О. САЙДАМИНОВ,
Х. ХАМИДОВ.
П. ШЕРИМБЕТОВ.

СССР Қуролли кучларини яна қисқартириш тўғрисида

ТАСС АХБОРОТИ

СССР Олий Советининг 1957 йил 21 декабрь Қарорига мувофиқ ва тинчлик ҳамда халқлар ўртасидаги дўстлик ленинча сиёсатига амал қилиб ва халқаро кескинликни юмшатишга астойдил интилиб, Совет Иттифоқи Ҳукумати СССР Қуролли кучлари 1955—56 йилларда 1 миллион 840 минг кишига қисқартирилганидан ташқари, бу қуролли кучларни яна 300 минг кишига қисқартиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Жами 41 минг кишидан кўпроқ аскарий қисмлар ва қўшилмалар Германия Демократик Республикасидан СССР территориясига олиб чиқилади ва тарқатиб юборилади. Жами 17 минг кишидан кўпроқ аскарий қисмлар ва қўшилмалар Венгрия Халқ Республикасидан СССР территориясига олиб чиқилади ва тарқатиб юборилади.

Совет Ҳукумати бошқа ҳукуматлар бундай тадбирни кўрмагани ҳолда, қуролсизланиш тўғрисида умумий битим тузилишига қадар, бу тадбирни кўриб, уни кескинликни юмшатиш ва давлатлар ўртасидаги муносабатларда ишонч муҳитини вужудга келтириш ишига қўшилган янги жиддий ҳисса деб ҳисоблайди. Яхши ниятда қилинган бу иш бошқа давлатларга, биринчи галда, Шимолий атлантик иттифоқидаги етакчи давлатларга — йирик қуролли кучларга эга бўлган АҚШ, Англия ва Францияга уларнинг қуролли кучларни қисқартиш соҳасида, халқлар учун ҳавфли ва машаққатли бўлган зўр бериб қуролланишни камайтириш соҳасида амалий тадбирлар кўришлари учун намуна бўлиб хизмат қилади, деб умид билдиришади.

Совет Ҳукумати қуролли кучларни ва ҳарбий харажатларни яна қисқартиш натижасида ҳосил бўлган маблағларни тинч қурилиш ва совет халқининг моддий ҳамда маданий турмуш шароитини янада яхшилаш мақсадларига сарф қилади.

Қуролли кучларнинг армия ва флотдан бўшайдиган шахсий состави Ҳукуматнинг қарорига мувофиқ, турар жойларида иш билан таъминланади.

Тошкентдаги «Автотракороде-таль» механика заводининг коллективи баҳорикор ерларни суғориш учун сув чиқаришга хизмат қиладиган «ВП-24х5» маркали вертикаль пропеллерлик насослар ишлаб чиқаришни тобора кўпайтирмоқда. **Суратда:** систематик равишда смена топшириғини 300 процентдан ошириб бажараётган слесарь-йиғувчи **А. И. Филатов** тайёрланган насосни созламоқда.

О. Косирев фотоси.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

Пардозланган ғишт ишлаб чиқаришни тезроқ ўзлаштирайлик

Областимизда капитал қурилишнинг ғоят кенг ҳажмда олиб борилаётганлиги бинокорлик материалларини кўплаб тайёрлаш, уларнинг энг катта фойда берадиган, қурилиш ишларини тезлатиш имкониятини туғдирадиган хилларини ишлаб чиқаришни мумкин қадар тезроқ ўзлаштиришни талаб этмоқда. Областимиз бинокорлик материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналари кейинги вақтларда ғишт, темир-бетон блоклари ҳамда плиталар ишлаб чиқаришни бирмунча кўпайтирди, ана шундай материалларнинг янги хиллари ўзлаштирилди.

Бироқ шуни айтиш керакки, саноат корхоналари, хусусан ғишт заводлари бошқармалари бинокорлик ишларини тезлатадиган ҳамда катта иқтисодий фойда берадиган пардозланган ғиштни ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга етарли аҳамият бермаётирлар. Пардозланган ғиштнинг қурилиш ишларини максимал даражада қисқартириш ва унинг қимматли арзонлаштириши кўпдан бери маълум. Янги бинокорлик материалининг муҳим хусусиятларидан бири шуки, у бинони мустаҳкам ва ташқи кўринишининг чиройлик бўлишини таъмин этади.

Бинокорликда пардозланган ғиштдан кенг фойдаланиш аввало сувоқ ишларини камайтиради, бинонинг ташқи кўриниши деярлик сувоқ қилинмаса ҳам бўлади. Шунингдек, бу материалдан фойдаланилганда, биноларнинг ташқи қисмини оқлаш, пардозлаш каби даврий ремонтлардан ҳам холи бўлиш мумкин. Пардозланган ғиштнинг бинокорликда қўлланиш қурилиш ишлари таннархини кўп даражада арзонлаштиради.

Бино фасадларини қуриш энг кўп меҳнат талаб қиладиган ишдир. Ҳозирги вақтда бино фасадлари асосан қурилиш объектининг ўзида тайёрланади ҳамда тикланади. Ҳолбуки, фасадларни тиклаш учун зарур бўлган барча материалларни ҳам пардозланган ғишт ёрдамида бажариш мумкин. Бунинг учун ғишт заводларида маълум проект асосида турли шаклларда пардозланган ғиштларни қуйиш ва пишириш мумкин бўлади. Бундай ғиштдан дераза ва эшик перимичкалари пастки қисмини пардозлашда ҳам кенг фойдаланиш мумкин. Одатда перимичкалар қўйилиб дераза ёки эшик рамалари тикланганидан сўнг унинг пастки қисми оддий ғиштлардан ишланади. Бундай ҳолда ғиштларни тегишли шаклга келтириш ҳамда уни силлиқлаш учун жуда кўп меҳнат сарф қилинади. Агар бинонинг ана шу қисмлари учун алоҳида шаклларгаги пардозланган ғишт ишлаб чиқарилганда эди, меҳнат унумдорлигини бир неча марта ошириш имконияти туғилар эди.

Тошкентдаги барча ғишт заводлари бошқармалари бинокорлик материалларининг ана шу турини жуда кўп миқдорда ишлаб чиқариш имкониятига эга. Пардозланган ғишт тайёрлаш учун оддий ғишт ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган тупроқ кифоядир. Лекин негадир Тошкент иқтисодий-маъмурий райони Халқ хўжалиги кенгашининг бинокорлик материаллари корхоналари бошқармаси пардозланган ғишт ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга мутлақо эътибор бермаётир. 1956 йилда собиқ Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги 3-ғишт заводлари бошқармасига 5 миллион дона пардозланган ғишт ишлаб чиқариш тўғрисида кўрсатма берган эди. Бироқ бу корхона белгиланган ана шу программани бажармади. Бунга сабаб шуки, 3-ғишт заводлари бошқармаси маъмурияти қолиплаш пехларини зарур ускуналар билан ўз вақтида таъмин этолмади.

Иттифоқимиздаги кўпгина шаҳарларда пардозланган ғиштдан кўпдан буён фойдаланиб келинаётир. Москва, Ленинград ва бошқа шаҳарлардаги ғишт заводларининг пардозланган ғишт ишлаб чиқаришда эришган тажрибаларини ўрганишга ҳамда уни Тошкентдаги ғишт заводлари бошқармасида ҳам жорий этиш яхши йўлга қўйилмаётир. Шуниси ажабланарлики, бинокорлик материаллари саноати бошқармаси 1958 йилда пардозланган ғишт ишлаб чиқариш планини ҳанузгача белгилагани йўқ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг V пленуми республикада уй-жой қурилишини янада ривожлантириш тўғрисида махсус қарор қабул қилди. Унда бинокорлик материаллари ишлаб чиқарувчи саноат корхоналари олдига катта вазифалар қўйилган. Ана шуларни ҳисобга олиб, ғишт заводлари бошқармаларининг маъмуриятлари пардозланган ғишт ишлаб чиқаришни тезроқ ўзлаштиришлари керак. Тошкент маъмурий-иқтисодий райони Халқ хўжалик кенгашининг бинокорлик материаллари саноати бошқармаси қурилиш ишларини тезлатишга, унинг сифатини яхшилашга имкон берадиган бу ғоят муҳим масалага чинакамига киришиши лозим.

Я. ТОЛСТОНОГ,
Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги Архитектура бошқармасининг старший экономисти.

Лаборатория—совхозлар

ЯНГИЕР. (ЎзТАГ). Янгиер шаҳридан 15 километр ғарброқда Ўзбекистоннинг кўриқ ерларида биринчи тажриба совхози ташкил қилинмоқда. Мирзачўлнинг марказида ташкил қилинаётган бу пахтачилик хўжалиги ўзига мос лаборатория ҳисобланади. Бу ерда Ўзбекистоннинг йирик олимлари раҳбарлигида қишлоқ хўжалик фани ва қурилиш техникасининг янгиликлари амалда синаб кўрилади.

«Главголодностепстрой»нинг бош инженери профессор И. Я. Каминский ЎзТАГ мухбири билан суҳбатда қуйидагиларни айтди:

— Янги совхозни мелиоратив ҳолати яхши, ирригация жиҳатидан тайёргарлик кўрилган ерда ташкил қилишга қарор қилинди. Совхоз 15 минг гектарга яқин кўриқ ерни эгаллайди, бу ерлар Жанубий Мирзачўл канали суви билан суғорилади. Бу ерда СССРда биринчи марта ёпиқ зовурлар қазиш кенг қўламда авж олдирилади, ёпиқ зовурлар шу иш учун мослаштирилган, «Янгиер водгрести»га қарашли 3-қурилиш-монтаж бошқармасининг механизаторлари томонидан конструкция қилинган машиналар ёрдамида бажарилади.

Янги хўжаликда экин майдонлари кўп ёмғир ёғдирувчи машиналар, шунингдек диаметри 50 сантиметрли ихчам шланглар ёрдамида суғорилади. Суғориш системасини бошқариш ишлари ҳам автоматлаштирилади.

Ўзбекистондаги қўриқ ерларда пахтани суғориш техникаси ўрганиладиган яна 2 та янги илмий-текшириш муассасаси ташкил қилинади.

Тошкентда курорт қурилиши

Тошкент йил сайин курорт шаҳрига айланмоқда. Ҳаммага маълумки, янги топилган минерал булоқлар базасида қурилган шифохоналар турли касалликларни даволаб, жуда кўп кишиларни дардан фориғ қилмоқда. Ҳозир ана шу минерал сувлар ёрдамида кўплаб беморларни даволаш, яъни шифохонани кенгайтириш тадбирлари кўрилмоқда. Тошкент шаҳар ижроия комитети «Победа» боғига ўрнашган Семашко номли курортология ва физиотерапия институти фаолиятини кенгайтириш мақсадида Бўсув анҳорининг чап соҳилидан етти гектар ерни ана шу институтга қўшиб беришга қарор қилди. Бу ерда янги стационарнинг даволаш биноларини қад кўтаради.

Газеталар хабар қилади

МАКТАБЛАР СОНИ КЎПАЙМОҚДА

Социалистик Чирчиқда халқ маорифи тармоқлари йилдан-йилга кенгаймоқда.

1935 йилда шаҳар территориясида атиги учта мактаб бўлиб, уларда 1047 ўқувчи таълим олган бўлса, ҳозир мактаблар сони 14 тага, ундаги ўқувчиларнинг сони эса 8000 га етди.

Шаҳар мактабларининг деярлик ҳаммаси тажрибали ўқитувчилар билан таъминланган. 400 га яқин ўқитувчилар ярмиси олий маълумотлидир.

(Чирчиқ — «Ленин йўли»).

ПАРРАНДАЧИЛИКДАН КАТТА ФОЙДА

Гулистон районидаги Бушуев номли совхозда чорвачилик билан бир қаторда паррандачилик ҳам ривожланган. Икки йилдан бери бу ерда ўрдаклар ҳам боқилмоқда. Ўрдаклар учун сунъий равишда кўл барпо этилди.

Дастлабки пақтда 200 та ўрдак бор эди. Ҳозир уларнинг сони 3491 тага етди. Бу орада 900 ўрдакни боқиб, семиртириб мажбурият юзасидан давлатга — гўштга топширилди. Яна 500 ўрдак семиртириш учун боқилмоқда.

(Гулистон—«Коммунизм учун»).

УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ — УМУМХАЛҚ ИШИ

Уйларингиз қутлуғ бўлсин

Катта Қўйлиқ трассаси бўйлаб борар экансиз, кўчанинг чап томонидаги илгари сайхон бўлиб ётган ерда янги уй-жойлар, қўш қаватли биноларнинг қад кўтараётгани кўзга ташланади. Яқиндагина суводан чиқарилган участкалардан бирида уйнинг полига тахта қоқаётган Валентин бизни кўриб:

— Келинглар, мана уйимиз битай деб қолди, — деб ҳали сирланган дераза ромларининг бўёқ ҳиди кетмаган ҳонага таклиф қилди.

— Биз, — деб сўз бошлади Валентин Новиков, — ҳукуматимиздан жуда ҳам миннатдормиз. Мен биринчи нон заводида бир неча йилдан бери ишлайман, узоқ вақтдан бери ҳар ойига 150 сўмдан квартира ҳаки тўлаб келардим. Уй-жой қурилишини ривожлантириш ҳақида ҳукуматимизнинг қарори чиқиши билан горькийликлар методи асосида уй-жой қуриш авж олиб кетди. Бизнинг корхонамизда ҳам қурилиш совети ташкил этилди. Касаба союз комитети конкрет таклифлар билан маъмуриятга мурожаат қилди. Маъмурият коллективнинг таклифини маъқуллади. Ҳадемай ишчи ва хизматчилар учун ер участкаси ҳам олинди.

Биринчи бўлиб мен якка тартибда уй-жой қуришни бошлаб юбордим. Шуни айтиш керакки, менинг мустакил равишда участка қуриб олишга мутлақо қурбим келмасди, корхонамиз коллективи ҳашар усулини қўллаб, бир-бирига ёрдам қила бошлади. Орамизда дурадгор, ғишт терувчи, сувоқчи усталар ҳам чиқди, маъмурият эса қурилиш материаллари билан ўз вақтида таъминлаб турди. Кейинчалик корхонамизда менга ўхшаганлар кўпайиб кетди.

Шу завод ишчиси ўртоқ Давиденко ҳам уч ҳонали уй қуриб, унга кўчиб кирганлиги ҳақида мароқ билан сўзлаб берди.

Ана шу кварталда 2-Стройдетал заводининг ишчиси Раиса Моголовская, Константин Клеменко сингари ўнлаб ишчилар ўзларига участка қуриб кўчиб кирдилар. Уларнинг каторида Тошкент авторемонт заводининг бир қанча ишчилари ҳам ўзларига уй қураётирлар.

Мана, икки қаватли бинонинг устя ёпилиб, биринчи қаватига хонадонлар кириб олган, иккинчи қаватининг ички монтаж ишлари олиб борилмоқда. Унинг каторидаги иккинчи бинонинг биринчи қаватида ишчиларнинг қўли-қўлига тегмай бир группаси ғиштни қўлдан-қўлга узатса, иккинчи бир группаси ҳоналар ичида монтаж ишларини олиб бормоқда.

— Қани ғиштни узатинг, — дейди Сайфиддин Шерназаров.

— Ие, ошириб қўйдинг-ку, сен ғишт терувчи устадан ҳам ошиб тушдинг, — дейди Сергей Супрун.

Шу пайт занг чалинади. Лекин ҳечким қўлидаги ишни чала қолдириб кетгиси келмайди.

— Қани ўртоқлар, овқатга борамиз, — дейди бригадир Содиқ Қодиров.

Ана шу бинонинг кўча томонига катта ҳарфлар билан «Бу ерда горькийликлар методи асосида «Ташхолодокомбинат» ишчи - хизматчилари учун уй-жой қурилмоқда», деб ёзиб қўйилган. Комбинат ишчилари учун қурилаётган икки бинода 36 та квартира бор. Уларда ошхонадан тортиб барча қулайликлар муҳайё.

Қурилишдаги барча ишларни комбинат ишчилари ўз кучлари билан бажармоқдалар. Шу мақсадда комбинатда 34 кишилик қурувчилар бригадаси ташкил этилган. Уларнинг бири ғишт терувчи, иккинчиси дурадгор, учинчиси сувоқчи, хуллас ҳар ким қўлидан келган ишни бажармоқда. Бу ҳақда комбинат технология цехининг ишчиси Сергей Суприн шундай дейди:

— Мен қўлимдан келганича ишлаб, бошқаларга ёрдам бермоқдаман, коллективимиз мени кўп жонли эканлигимни ҳисобга олиб, янги бинонинг биринчи қаватидан 3 хонали квартирани берди. Ҳозир бутун оиламиз зўр қувонч билан янги уй учун янги жиҳозлар олиш тараддудида.

Худди шу янги кварталга туташган катта кўча ёқасидаги икки бинонинг томи жадал ёпилмоқда, биринчи қаватида эса дераза рамалари ўрнатилмоқда.

— Бу уйлар, — дейди қурилиш прораби ўртоқ Карнаухов, — Тошкент трамвай - троллейбус трести ишчи - хизматчилари учун қурилмоқда. Бу ишлаётган кишиларга шу 24 квартирали икки бино планировка қилинишидан бошлабоқ тақсим қилинган эди. Ана шу кишиларнинг ўзлари бевосита қурилиш ишида қатнашиб, коллективнинг ёрдами, маъмуриятнинг қўллаб-қувватлаши билан янги бинонинг қаддини кўтариб, уни тезроқ битказиш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Қорасув район, Қорасув қишлоқ советидаги собиқ «Коминтерн» колхозининг сайхон ерида барпо этилаётган янги кўча ва кварталлар шаҳарнинг Ленин райони территориясига қўшилмоқда.

Ленин район ижроия комитети 37 корхона ва бошқа ташкилотларнинг ишчи, хизматчилари ҳамда инженер-техник ходимларига коллектив ва якка тартибда уй-жой қуриш учун 11,5 гектар ер ажратиб берди. Район территорияси тобора кенгайиб, шу йилнинг ўзида Новий путь, Октябрининг 40 йиллиги, Молот, Подъёмник, Автозаводская, Южная, Ялтинская, Хабзаровская, Пилотов номли, Парда Турсун номли кўчалар ва янги кварталлар пайдо бўлди.

Янги уйларга кўчиб кирганлар бир-бирларини қутламоқдалар:

— Уйларингиз қутлуғ бўлсин.

З. ШОКИРОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Ғаразгўйлар“

Бўстонлиқ районида ғаразгўйлар тўғрисида гап кетса, ҳамма Боғистондаги Садриддин Айний номли 23-мактабдаги ўқитувчилардан Мансуров, Масиддинов ва Камоловларни эслайди. Чунки улар ўзларининг ифвогарликлари, танқид ниқоби остида ғаразгўйлик қилиб юргани, совет педагогига хос бўлмаган ҳаракатлари туфайли ҳаммага отнинг қашқасидек танилиб қолганлар. Улар битта ростга ўнта ёлғонни қўшиб, уйдирма туҳматдан иборат шикоят ёзишни ўзларига касб қилиб олганлар. Биров уларга сал тегиб қўйса, ёки мушугини пишт деса, ўша замоно шикоят ёзишга, шу йўл билан одамларни қўрқитиб олишга уринадилар. Улар уялмай-нетмай ўзларининг айбларини бировга тўнкайдиган бўлиб қолганлар. Мана шу Мансуров, Масиддинов, Камолов сингари «педагоглар» ҳақида «Тошкент ҳақиқати» газетасининг 1957 йил 29 сентябрь сонида «Ғаразгўйлар» сарлавҳали мақола босилган эди.

Яқинда Бўстонлиқ район халқ маорифи бўлими Боғистондаги Айний номли мактабда шу масала юзасидан кўчма совет ўтказди. Советга район партия, совет ташкилотларининг вакиллари, ота-оналар комитетининг аъзолари, шу мактабнинг ўқитувчилари иштирок қилдилар. Советда Мансуров, Масиддинов ва Камоловларнинг ғаразгўйликлари, туҳматчиликлари, ҳатто совет педагогларига мутлақо ёт бўлган безорилик ҳаракатлари батамом фош этилди ҳамда улар ўз айбларига иқрор бўлдилар. Район халқ маорифи совети Масиддинович туҳматчиликдан ташқари безорилик қилгани учун ўқитувчиликдан бутунлай бўшатишга қарор қилди Мансуров, Камоловларни Айний номли мактаб ўқитувчилик вазифасидан озод қилди. Мактаб бошланғич партия ташкилоти мана шу кирдикорлари учун коммунист Мансуровга партиявий жазо берди. Орифжоновни мактабда таълим-тарбия ишларини бўшаштириб юборгани ва етарли раҳбарлик қилолмагани учун директорлик вазифасидан бўшатди.

Тошкент ҳақиқати нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй. Телефонлар: 5-71-71, 5-71-72, 5-71-73, 5-71-74, 5-71-75, 5-71-76, 5-71-77, 5-71-78, 5-71-79, 5-71-80, 5-71-81, 5-71-82, 5-71-83, 5-71-84, 5-71-85, 5-71-86, 5-71-87, 5-71-88, 5-71-89, 5-71-90, 5-71-91, 5-71-92, 5-71-93, 5-71-94, 5-71-95, 5-71-96, 5-71-97, 5-71-98, 5-71-99, 5-71-100, 5-71-101, 5-71-102, 5-71-103, 5-71-104, 5-71-105, 5-71-106, 5-71-107, 5-71-108, 5-71-109, 5-71-110, 5-71-111, 5-71-112, 5-71-113, 5-71-114, 5-71-115, 5-71-116, 5-71-117, 5-71-118, 5-71-119, 5-71-120, 5-71-121, 5-71-122, 5-71-123, 5-71-124, 5-71-125, 5-71-126, 5-71-127, 5-71-128, 5-71-129, 5-71-130, 5-71-131, 5-71-132, 5-71-133, 5-71-134, 5-71-135, 5-71-136, 5-71-137, 5-71-138, 5-71-139, 5-71-140, 5-71-141, 5-71-142, 5-71-143, 5-71-144, 5-71-145, 5-71-146, 5-71-147, 5-71-148, 5-71-149, 5-71-150, 5-71-151, 5-71-152, 5-71-153, 5-71-154, 5-71-155, 5-71-156, 5-71-157, 5-71-158, 5-71-159, 5-71-160, 5-71-161, 5-71-162, 5-71-163, 5-71-164, 5-71-165

ПАХТАКОРЛАРНИНГ БУТУНИТТИФОҚ БИРИНЧИ ҚУРУЛТОЙИНИ МУНОСИБ СОВҒАЛАР БИЛАН ҚУТИБ ОЛАЙЛИК

Кўкламга пухта тайёрланайлик!

☆

Ҳамкорликда

Ўртасарой районидаги Сталин номли колхоз пахтакорлари мўл ҳосил етиштиришда шудгорлашнинг катта аҳамиятга эга эканлигини бир неча йилдан бери ўз тажрибаларида синаб келмоқдалар. Ўтган йили шудгорлашни вақтида тамомлаган Анорбой Тиллабоев, Алон Орзиев, Аҳмадохун Қурбонов, Аҳмад Абдуллаев ўртоқлар бошлиқ бригада ва звено аъзолари ҳар гектар ердан 28 центнергача ҳосил йиғиб олишга эришдилар.

Кузги шудгорлашни ўз вақтида ўтказишга эътибор бермай, кўкламда шошма-шошарлик билан ер ҳайдаган Ҳадим Малилов, Ҳидир Сафаров, Эрмак Жўраев, Абдулла Ашрапов ўртоқлар бошлиқ бригада ва звеноларда эса гектаридан олинган ҳосил 17-18 центнердан ошгани йўқ.

Колхоз пахтакорлари йўл қўйилган ана шу камчиликдан тўғри хулоса чиқариб, бу йил шудгорлашни барвақт бошладилар. Шудгор қилинаётган ерларга минерал ва маҳаллий ўғитлар солинмоқда. Кўклам экиш кампаниясига ана шундай тайёргарлик кўришда коммунист ва комсомоллар авангард бўлмоқдалар.

Колхоз правлениеси ва бошланғич партия ташкилоти механизаторларга ҳар тарафлама қулай иш шароити яратиб берган. Иссиқ овқат ташкил қилинган, ҳар бир трактор чи тажрибали плугатор билан таъминланган. Шудгор қилинаётган майдонлардаги ғўзапояларни ташиб олиш учун махсус транспорт бригадаси мавжуд.

Ана шундай муҳим тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида ҳар куни 30 гектарга яқин ер ғўзапоядан тозаланиб, пешма-пеш шудгор қилинмоқда. Пахтакорлар билан мустаҳкам ҳамкорликда фидокорона меҳнат қилаётган азамат механизаторлар шудгорлашни тамомлаш арафасида турибдилар.

И. ЙЎДОВ.

Суратларда: Октябрь районидаги «Шарқ юлдузи» ва Сталин номли колхозларнинг ўтган йили мавсумда 8-10 тоннадан пахта терган кўп минг килограммчи чевар теримчиларидан (чапдан ўнгга) 1. Дилбархон **Аҳмедова** 2. Зоир **Мўминов**, 3. Қиздигул **Метонова** ўртоқлар. Булар қишки тадбирларни амалга оширишда ҳам ташаббус кўрсатиб ишламоқдалар.

Х. Эралиев фотолари.

Ютуқларни мустаҳкамлаб, мўл ҳосил етиштириш учун курашмоқдамиз

Мен кўп йиллардан буён бригада бошлиғи бўлиб ишлайман. Тажриба шуни кўрсатадики, агар ер кузда шудгор қилинса, шудгор олдидан ерга кўплаб маҳаллий ва минерал ўғит солинса, баҳорга келиб чигитни тез ундириб олиш. мўл ҳосил етиштириш мумкин. Шунга амал қилиб бригадамиз аъзолари ўтган йили 65 гектар ернинг ҳар гектаридан 46,5 центнердан ҳосил етиштирдилар. Биз бу йил экин майдонимизни 80 гектарга кенгайтириб, ҳар гектар ердан камида 50 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилганмиз.

Мўл ҳосилга замин тайёрлашни биз бу йил ҳам кузги шудгорлашни ўз вақтида ўтказишдан бошладик. Йиғим-теримни тугаллагач, бригадамиз аъзолари ғўзапояни йиғиштириб олиб, қисқа вақт ичида ерни шудгорга тайёрладилар, механизаторлар ҳам бу ишга астойдил киришиб, барча майдонларни тез кунда шудгор қилиб бердилар. Шудгорлаш олдидан ҳар гектар ерга 300 килограммдан гўғ ва бошқа қишлоқ хўжалик ўғитлари солинди. Бригадамиз аъзолари ғўза парваришли даврида ишлатиш учун гўғ тўплашни давом эттирмоқдалар. Ариқ-зовурларни тозалаш, йўл чеккалари ва уватларни текислаш ҳисобига экин майдонларини кенгайтирмоқдамиз.

Бригадамиз аъзолари қишки тадбирларни сифатли ўтказмоқдалар, кўкламни ҳар тарафлама шайлаган ҳолда кутиб олиб, бу йил ҳам мўл ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар.

М. ҚОРАХУЖАЕВ,

Оржоникидзе районидаги «Сталинград» колхозининг бригада бошлиғи.

Қишки тадбирлар кучайтирилди

Пахтакорларнинг Москвада бўладиган Бутуниттифоқ биринчи қурултойини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олиш учун курашаётган Пискент районидаги Энгельс номли колхоз аъзолари кўкламни ҳар тарафлама шайланган ҳолда кутиб олиш учун қишки тадбирларни кучайтириб юборишдилар.

Колхознинг Чаҳалов, Абдурахмонов, Абдуқулов ўртоқлар бошлиқ бригада аъзолари бу соҳада айниқса яхши натижаларни қўлга киритаётирлар. Йиғим-теримни муваффақиятли ўтказиб, ҳар гектар ердан 23-25 центнердан «оқ олтин» топширган бу илғорлар ғанимат кунлардан унумли фойдаланиб, қишки тадбирларни ўтказишда ҳам ташаббус кўрсатиб ишладилар, шудгорлашни биринчилар қаторида тугалладилар.

Шудгорлашнинг сифатли ўтказилишида шу колхозда хизмат қилаётган ўртоқ Анатолий Спасов бошлиқ трактор бригадаси аъзоларининг хизмати каттадир. Тракторчилардан Н. Элчибоев, А. Аноров, М. Насруллаев ўртоқлар кундалик нормаларини ортиғи билан бажарибгина қолмай, ерларнинг сифатли ҳайдалишига ҳам алоҳида аҳамият бердилар.

Бу ўртоқлар шу кунларда ҳам фидокорона меҳнат қилиб, кунига 7-8 гектар ерни шудгор қилаётирлар.

Шунингдек, колхознинг бошқа бригадаларида хизмат қилаётган тракторчилар ҳам бу бригада тракторчиларидан ўрнак олиб, шудгорлашни кун сайин кучайтирмоқдалар. Шундай қилиб колхозда қисқа вақт ичида 570 гектар пахта майдонининг 450 гектардан ортиғи шудгорлаб қўйилди. Колхоз правлениеси ва бошланғич партия ташкилоти тракторчиларнинг унумли ишлаши учун барча шароитларни яратиб берган.

Колхоз аъзолари бу йил пахта ҳосилини янада ошириш мақсадида астойдил меҳнат қилаётирлар.

Мавсумда 9-10 тоннадан пахта терган колхозчилар, эндиликда ариқ-зовурларни тозалаш, йўл ёқалари ва уватларни текислаш, далага гўғ ташиб чиқаришда ташаббус кўрсатиб ишлаётирлар.

А. АБДУҲАКИМОВ.

☆

Шудгорлаш тез кунда тамом бўлади

Шу кунларда ўртоқ Сайфиддин Райқулов бошлиқ трактор бригадаси аъзолари Чиноз районидаги Оржоникидзе номли колхозда астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Механизаторлар ўртасида социалистик мусобақа ташкил қилинган. Ҳар бир механизатор бу мусобақада голиб чиқиш учун курашиб, смена нормасини ортиғи билан бажаришга эришаётир. Айниқса, Қодир Аҳмонов, Рихсибой Қамбаров, Абдурахмон Бўриев ўртоқларнинг ҳалол меҳнатлари мақтовга сазовордир. Уларнинг ҳар бири ДТ-54 трактори билан 6-7 ўрнига 8-9 гектардан ерни 30-35 сантиметр чуқурликда сифатли шудгор қилишаяпти. Ҳозир колхоз бўйича умумий пахта майдонининг қарийб 60-70 процента шудгор қилинди.

Шунингдек, райондаги Ленин номли, «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозларида ҳам кўклам экиш кампаниясига ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Ўтган йили пахтадан юқори ҳосил етиштириб, йиллик давлат планини ортиғи билан бажарган Ленин номли колхоз аъзолари ўзларининг бой тажрибалари асосида шудгорлашни қизғин давом эттирмоқдалар.

Колхозда ариқ ва зовурларни тозалаш, далага маҳаллий ўғит ташиб чиқариш ишлари ҳам кундан-кунга кучайтирилаётир. Буларнинг ҳаммаси шубҳасиз бу йилги мўл ҳосилнинг гарови бўлади.

А. ГАЛИЕВ,
С. АЛИЕВ.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ШУДГОРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1958 ЙИЛ

5 январгача бўлган

МАЪЛУМОТ

(процент ҳисобида)

Районлар	Шудгорлаш	Беш кунлик ўсиш
Оққўрғон	55,0	6,5
Боёвут	73,8	0,8
Бекобод	53,5	4,1
Бўстонлиқ	64,5	—
Бўка	57,3	1,0
Верхне-волинск	38,8	1,3
Юқори Чирчиқ	91,5	1,3
Гулистон	51,8	1,8
Калинин	74,1	3,2
Қорасув	101,0	—
Миробод	56,3	9,5
Куйи Чирчиқ	94,5	—
Октябрь	30,8	0,7
Оржоникидзе	100,4	—
Паркент	27,7	—
Пискент	68,1	2,3
Урта Чирчиқ	50,8	4,5
Сирдарё	43,7	5,3
Тошкент	82,2	2,4
Ўртасарой	74,4	2,6
Чиноз	35,6	1,3
Янгийўл	48,5	7,3

ОБЛАСТЬ СОВХОЗЛАРИДА ШУДГОРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1958 ЙИЛ

5 январгача бўлган

МАЪЛУМОТ

(процент ҳисобида)

Совхозлар	Шудгорлаш	Беш кунлик ўсиш
1-«Далварзин»	50,8	11,6
2-«Далварзин»	55,0	12,5
1-«Боёвут»	60,4	12,0
3-«Боёвут»	65,0	6,5
«Социализм»	72,2	10,4
Булганин номли	44,3	—
«Дружба»	38,1	4,8
«Фарҳод»	86,7	1,6
«ЎзССР беш йиллиги»	110,4	4,6
«Оққўрғон»	93,4	8,0
«Малик»	64,1	15,8
4-«Вревский»	87,8	—
6-«Кўкорол»	88,6	0,7
7-«Кўкорол»	77,0	9,7
Бушуев номли	38,0	1,4
Паррандачилик совхози	61,2	—
Бўзсув	87,1	—
Тошкент наслчилик совхози	49,4	1,5
«Мирзачўл»	52,0	1,4
«Гулистон»	61,7	6,7
1-«Оҳангарон»	80,1	—
2-«Оҳангарон»	35,4	2,4
Ҳовос	98,5	—
Пискент	59,1	5,5
Назарбек	62,1	—
Киров номли	108,6	15,8
Чанақ	41,9	0,9

ИККИ ХОТИРА

Мирзачўл районидаги «Ленинизм» колхозига бориладиган йўл бошқача бўлиб қолди. Илгариги ҳаддан ташқари ўйдим-чуқур, қиш кунлари машина билан сира ҳам юриб бўлмайдиган кўчалар энди тузатилиб, унга тош ётқизилибди. Аввалари кўримсиз, қарасангиз гашингиз келадиган қишлоққа ҳозир анча файз кириб, кўркам тус олган. Одамларнинг руҳи баланд, чеҳралари очиқ ва ўзлари тетик. Қишлоқда илгариги сингари ҳардам ҳаёлиж билан юрадиган кишилар кўринмайди. Колхозда катта ўзгаришлар юз бергани кўзга яққол ташланиб турибди.

Мана шуларни кўздан кечирар эканмиз, бундан икки йил илгари шу ерда юз берган бир ҳодиса эсга тушди. Ўша вақтда мусобақадош Гулистон районидан келган ўзаро текшириш бригадаси аъзолари колхоз молхонасининг ҳаддан ташқари ифлос эканлигини кўриб, дарҳол тозалаш лозимлигини таклиф қилдилар. Лекин, бошқа колхозларда раисларнинг бир имо-ишораси билан ҳаш-паш дегунча бажарилиши мумкин бўлган мана шу иш бу колхозда ҳа деганда бажарилмади. Раис, бошланғич партия ташкилотининг секретари, ферма мудири ўтиришиб, қанча маслаҳатлар қилган бўлсалар ҳам, ҳеч қандай натижа чиқмади. Пировардида улар молхонани тозалаш «масаласини» правление мажлисида ҳал қилмоқчи бўлдилар. Юз берган бу воқиани кўрган, бу тўғрида ўқиган ўртоқлар ажабланишлари мумкин. Афсуски, чиндан ҳам шундай бўлган эди.

Хўш, аҳвол шундай экан. Ўша вақтларда колхоз раҳбарлари қандай қилиб катта бир хўжаликни бошқара олдилар экан, деган савол туғилади. Бу саволга жавоб тайёр! Колхознинг ўша собиқ раҳбарлари хўжаликнинг асосий тармоғи бўлган пахта тайёрлаш планининг бир неча йил мобайнида бажарилишини таъминлай олмадилар. Улар хўжаликни қолоқ қилиб қўйдилар, ўз ҳаловатларини кўзлаб, меҳнат интизомини бўшаштириб юбордилар. Мана шулар туфайли «Ленинизм» колхози ўша йиллари Мирзачўл районидаги энг қолоқ, иқтисодий жиҳатдан заиф бўлиб қолган эди.

Мана икки йилдирки, колхознинг янги раҳбарлари хўжаликни оёққа турғизиш учун курашдилар, дуруст деб ҳисобланган колхозларга тенглаштириб олиш учун ҳаракат қилдилар. Натижада колхоз 1956 йилда пахта тайёрлаш давлат планини ошириб бажарди. Ўтган йилги муваффақият ҳам қувончли бўлди. Колхоз аъзолари баҳор, ёз ва куз фасларида юз берган катта қийинчиликларни енгиб, Мирзачўлнинг янги ўзлаштирилган энг шўр ва энг заҳкаш 630 гектар ерида мўл ҳосил етиштирдилар. Гектаридан 21,32 центнердан пахта тонширириб, планни ошириб бажардилар.

Колхознинг ўртоқ Пирим Жапоқов бошлиқ бригада аъзолари 107 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 27,8 центнердан, ўртоқ Жўрақул Хўжақулов бошлиқ бригада аъзолари эса 28,69 центнердан ҳосил олдилар. Пахтакорларнинг меҳнатга бўлган интиҳоқлари, колхоз хўжалигини мустаҳкамлаш учун олиб борган курашлари туфайли ана шундай ютуқлар қўлга киритилди. Энди улар колхозни қолоқликлан чиқаришгина қолмай, уни илгор хўжаликка айлантириш учун астойдил интилаётганликлари сезилиб турибди. Бу ерда мамлакатлари бирдамлиги Қоҳира конференциясининг қатнашчиси, атом ва водород қуролини тақиқлаш учун кураш Япония миллий кенгашининг бош секретари профессор Каору Ясуи матбуот конференцияси ўтказди.

Каору Ясуи Қоҳира конференциясининг қарорлари Осиё ва Африка халқлари учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, жаҳон жамоатчилигини Осиё ва Африка районини ядро қуроли жойлаштирилмайдиган тинчлик зонасига айлантириш учун зўр бериб ҳаракат қилишга даъват этди.

Шунингдек, у яқин келажакда Ғарб билан Шарқ ўртасида юқори даражада музокаралар олиб бориш жуда зарур эканлигини, бу музокарада ядро синовларини дарҳол тақиқлаш масаласи марказий масала бўлиши лозимлигини таъкидлади.



Чехословакия Республикаси. Татранинг баланд жойларидаги дам олиш уйлари ва санаторийлари электрлаштирилмоқда. Совет вертолетлари монтажчи ва қурувчиларга катта ёрдам кўрсатаётир. Вертолётлар оғирлиги 9 центнергача бўлган қурилиш материалларини ҳар қандай баландликка бир неча минут ичидаёқ етказиб бераётир. Келгусида курортли жойларга озиқ-овқат ҳамда ёқилғини вертолёт ёрдами билан етказиб бериш кўзда тутилган. **Суратда:** совет вертолётидан юк тушириш пайти.

В. Шворчик фотоси

(Чехословакия телеграф агентлиги).

Чет элларда

Халқ бирлик фронти бутунполяк комитетининг мажлиси

А. ЗАВАДСКИЙ НУТҚИ

ВАРШАВА, 5 январь. (ТАСС). Бу ерда Халқ бирлик фронти бутунполяк комитетининг давлат ҳокимияти маҳаллий органларига 2 февралда ўтказиладиган сайловлар муносабати билан халққа мурожаат қабул қилишга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. Гомулка, Давлат кенгашининг раиси ва Халқ бирлик фронти бутунполяк комитетининг раиси А. Завадский, Министрлар советининг раиси Ю. Циранкевич, бирлашган деҳқонлар партиясининг, демократик партиянинг раҳбар арбоблари, мамлакатдаги оммавий — жамоат ташкилотларининг вакиллари қатнашдилар.

А. Завадский мажлисни очиб, Халқ бирлик фронти бутунполяк комитетининг кейинги даврда қилган ишларини айтиб берди. Партия ва халқ ҳукумати, деди у, — Марказий Комитетнинг VIII пленумида белгилаб берилган ҳамда IX ва X пленумларда ривожлантирилган сиёсат негизида мустаҳкам бўлиб турганлигини, яъни изчиллик билан ва тобора муваффақиятли равишда социализм қуриш, меҳнаткашларнинг фаровонлигини ошириш, барча социалистик давлатлар билан қардошларча иттифоқ бўлиб мамлакат мустақиллигини ва суверенитетини мустаҳкамлаш сиёсати негизида қаттиқ турганлигини фактлар яққол кўрсатмоқда.

Нотиқ бутун халқ бирлигини янада мустаҳкамлаш, Польшада халқ-демократик тузумни айниқса маҳаллий халқ советларига сайловларга тайёргарлик юзасидан ўтказилаётган ҳозирги кампания давларида мустаҳкамлаш зарурлигини уқтириб ўтди.

Сўнгра А. Завадский, поляк халқи ўз программасини шундай бир тарихий даврда ўтказмоқдаки, жаҳонинг капитализмдан социализмга ўтиши шу даврнинг энг чуқур мазмунидир, деди.

Социалистик система ўз ичига олган мамлакатларнинг бирлиги, — деди Завадский, — бу системанинг кучининг негизидир. Революцион ишчилар ҳаракатининг интернационал принципларидан келиб чиққан бу бирлик икки асосий мақсаднинг яъни янги социалистик ижтимоий тузум қуриш билан бутун дунёда тинчликни таъминлаш мақсадларининг бузилмас бирлигига таянади.

Энг қудратли социалистик давлат бўлган улуғ қўшнимиз Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан дўстликни ва қардошларча ҳамкорликни ҳар тарафлама мустаҳкамлаш, — деди А. Завадский, — ватанимизнинг янада ривожланиши учун асосий аҳамиятга эгадир.

Биргаликда олиб борилган революцион кураш традициялари, Совет Армияси Польшани озод қилганлиги, халқ Польшаси вужудга келган пайтдан бошлаб ҳар томонлама иқтисодий ва маданий ҳамкорлик қилиниб келаётганлиги, Одер-Нейссе бўйлаб ўтган чегараларимиз изчиллик билан қўллаб-қувватланаётганлиги — мана шуларнинг ҳаммаси халқимизнинг чуқур манфаатларига мувофиқ мустаҳкам дўстликнинг бақувват негизини вужудга келтирмоқда.

Ҳар томонлама ҳамкорликнинг дўстона ва қардошлик муносабатлари, — деди А. Завадский, — бизни барча социалистик мамлакатлар билан бирлаштирмоқда. Социалистик Югославия билан дўстона муносабатларимиз ва ҳамкорлигимиз ҳар томонлама ривожланиб бормоқда.

Халқ бирлик фронти комитетлари бутун жамиятда поляк-совет дўстлиги ҳамда социалистик лагернинг ҳамма мамлакатлари билан дўстлик ҳисларини ривожлантирадиган ва мустаҳкамлайдиган актив марказлар бўлишлари лозим.

Халқ бирлик фронти бутунполяк комитети ўз мажлисида халққа қарата сайлов олди мурожаати қабул қилиб, бутун мамлакат меҳнаткашларини сайлов кампаниясида актив қатнашишга, халқ бирлик фронти кандидатлари учун овоз беришга, шу фронт программасини — Польшада демократик янгиланиш ва социализм қуришни авж олдириш программасини қўллаб-қувватлаб, буни намойиш қилиб кўрсатишга чақирди.

Мажлисда Халқ бирлик фронти бутунполяк комитетининг янги составы сайланди.

Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги кенгашининг доимий секретариати ишга тушди

ҚОҲИРА, 6 январь. (ТАСС). Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги кенгашининг Доимий секретариати ўз ишига киришди. Секретариат Қоҳира конференциясининг қарорларини бажариш юзасидан конференциянинг турли давлатларга ва халқаро ташкилотларга қарата қабул қилган мурожаатларини тегишли жойларга юбора бошлади. «БМТ тўғрисидаги резолюция», «Бутун дунё олимларига Мурожаат» ҳамда ядро қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисида «СССР, АҚШ ва Англия Мурожаат» Бирлашган Миллатлар Ташкилотига юборилди.

ПОРТ-САИДДА СТАЛИНГРАД КЎЧАСИ

ҚОҲИРА, 6 январь. (ТАСС). Порт-Саид билан Сталинград ўртасида ўрнатилган дўстона алоқаларни нишонлаш юзасидан Порт-Саид муниципал кенгаши шаҳарнинг янги қурилаётган районидаги марказий кўчага «Сталинград кўчаси» деб ном беришга қарор қилди. Бу район Мисрга қарши империалистик агрессия вақтида хароба зорга айлантирилган жойда барпо қилинмоқда.

Осиё ва Африка райони тинчлик зонасига айлантирилсин...

ДЕҲЛИ, 7 январь. (ТАСС). Бу ерда Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Қоҳира конференциясининг қатнашчиси, атом ва водород қуролини тақиқлаш учун кураш Япония миллий кенгашининг бош секретари профессор Каору Ясуи матбуот конференцияси ўтказди.

Каору Ясуи Қоҳира конференциясининг қарорлари Осиё ва Африка халқлари учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, жаҳон жамоатчилигини Осиё ва Африка районини ядро қуроли жойлаштирилмайдиган тинчлик зонасига айлантириш учун зўр бериб ҳаракат қилишга даъват этди.

Шунингдек, у яқин келажакда Ғарб билан Шарқ ўртасида юқори даражада музокаралар олиб бориш жуда зарур эканлигини, бу музокарада ядро синовларини дарҳол тақиқлаш масаласи марказий масала бўлиши лозимлигини таъкидлади.

«ХАЛҚАРО ЛЕНИН МУКОФОТИНИНГ МУНОСИБ ЛАУРЕАТИ»

ДЕҲЛИ, 6 январь. (ТАСС). «Нейшнл геральд» газетаси Ҳиндистон Фанлар академиясининг президенти доктор Чандрасекхара Венката Раманга «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофоти берилганлигини шарҳлаб, Раманнинг хизматларини тақдирлаш Ҳиндистоннинг тинчлик сиёсати хизматларини тақдирлаш демакдир, деб ёзади.

Газета Раманнинг Ҳиндистон ва СССР халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш ишидаги хизматларини таъкидлаб, у Ҳиндистон-Совет дўстлигига биринчи бўлиб негиз солган кишилардан бири бўлди, деб ёзади.

«Деккан геральд» газетаси «Нейшнл геральд» газетасининг фикрига қўшилиб, Раман «Халқаро Ленин тинчлик мукофотининг муносиб лауреатидир» деб таъкидлайди. Раман, деб ёзади газета, ўзига бу мукофотнинг берилганлигига Ҳиндистон тинчлик сиёсати хизматларини тақдирлаш деб баҳо берали.

АРГЕНТИНА КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ

БУЭНОС-АЙРЕС, 6 январь. (ТАСС). Аргентина Коммунистик партияси ўзининг ташкил топганига бугун 40 йил тўлишини тантанали вазиятда нишонламоқда. Бутун мамлакатда бу муҳим воқиага бағишланган йиғилиш ва митинглар ўтказилмоқда.

Компартия Марказий Комитетининг биносида Аргентина Коммунистик партиясининг 40 йиллигига бағишланган виставка очилди.

ЎРТОҚ ПЕТРУ ГРОЗА ВАФОТ ЭТДИ

БУХАРЕСТ, 7 январь. (ТАСС). Бугун эрталаб Руминия Халқ Республикаси Буюк Миллат мажлиси Президиумининг Раиси доктор Петру Гроза вафот этди.

АНГЛИЯ ҲУКУМАТИ СОСТАВИДА ЎЗГАРИШЛАР

ЛОНДОН, 7 январь. (ТАСС). Молия министри Торникрофтнинг бош министр номига ёзган хатидан маълум бўлишича, келгуси молия йили учун ҳукумат харажатлари миқдори тўғрисидаги масала юзасидан ҳукуматнинг бошқа аъзолари билан келишмовчилик унинг истеъфо беришига сабаб бўлган. Торникрофт бу харажатларнинг 50 миллион фунт стерлинг миқдорида кўпайтирилишига қарши чиққан ҳамда фунт стерлингнинг беқарор аҳволдалигидан мазкур харажатларни ўтган йилги даражада сақлаб қолишни талаб қилган.

Янги молия министри қилиб Д. Хиткот-Эмори тайинланган, у ҳозиргача деҳқончилик, балиқчилик ва озиқ-овқат министри лавозимида эди. Хиткот-Эмори ўрнига деҳқончилик министри қилиб собиқ ҳарбий министр Жон Хэйр тайинланган; ҳарбий министр лавозимини К. Соумс ишгол қилади.

ЯДРО ҚУРОЛИ СИНОВЛАРИНИ ТЎХТАТИШ УЧУН

ПАРИЖ, 6 январь. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги мухбирининг Рио-де-Жанейродан хабар беришича, Бразилиянинг 58 олими ядро қуроли синовларининг тўхтатилишини талаб этиб манифест эълон қилган.

Телеграф хабар қилади

◆ Пекинда «Совет-Хитой дўстлиги» яқин совет журналининг биринчи сони сотила бошлаганлиги муносабати билан «Жэньминжибао» газетаси мақола босиб чиқарди. Газета бу мақоласида Хитой жамоатчилигининг журналга зўр қизиқиш кўрсатганлигини ёзади.

◆ Ирригация иншоатлари қурилиши учун Хитойнинг ҳамма ерида умумхалқ ҳаракати кенгайди. Мамлакатда сугорилаётган майдон 1957 йил октябрь ойидан декабрь ойигача 3,1 миллион гектар кўпайди. 1958 қишлоқ хўжалик йилида 6 миллион гектардан ортиқ майдонни сугориш мўлжалланди.

◆ «Иттилоат» газетасининг хабар беришича, Эронда мажлиснинг савдо масалалари билан шуғулланувчи комиссияси транзит масалалари юзасидан Совет-Эрон битимини маъқуллаган.

◆ Қоҳирада «Совет киносининг 40 йиллиги» виставкаси очилди. Виставкани очиш вақтида Мисрнинг машҳур режиссери Аҳмад Комил Мурсий совет киносининг ривожланиши тўғрисида доклад қилди.

◆ СССР йўллар министрининг ўринбосари В. С. Гаврилов, Октябрь темир йўлининг бошлиғи М. А. Осинцев ва Киров темир йўлининг бошлиғи Е. Г. Трубицин Финляндияга келдилар. Улар бу ерда 2 ҳафта бўлиб, темир йўл транспорти корхоналари билан танишадилар.

◆ Гастингсда халқаро шахмат турнирининг бешинчи давраси бўлди. Беш давradан кейин 4,5 очко олган совет гроссмейстери П. Керес биринчи ўринда бормоқда.

◆ «Кейхон» газетасининг хабар қилишича, 2 январда Эроннинг ғарбий районларида яна ер қимирлаган. (ТАСС).

ОЛМАЛИҚ ШАҲРИДА

800 МИНГ СУМ ИҚТИСОД ҚИЛИНДИ

Машинистлар Сидоров ва Исроилов ўртоқлар бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси бошқаралиган Э-750-25 номерли паровозни Олтинтопкан комбинати темирйўлчилари яхши билишади. Комсомол ёшлар ихтиёридаги бу локомотив биринчи бўлиб составга нормадагидан икки баравар ортиқ руда ортиш ташаббусини бошлаб берди. Бу бригада ўтган 1957 йил ичида юзлаб составга юкни нормадагидан кўп ортиб, пландан ташқари 150 минг тонна руда ташилилар. Ана шу давр ичида локомотив ремонт қилиш учун бир марта ҳам депога келтирилмади. Пландан ташқари руда ташиш, ёқилғи ва запас қисмларни тежаб ишлатиш натижасида комсомол-ёшлар бригадаси давлатга 800 минг сўм фойда келтирди.

ИШЛАБ ЧИКАРИШДАН АЖРАЛМАГАН ҲОЛДА

Ёш бинокор кадрлар ва шаҳар корхоналари учун малакали ишчилар тайёрлаб чиқариш мақсадида шаҳарда кечки қурилиш техникуми, ишчи бригадалари ва айрим ишчиларни ўқитиш мактаби ва бошқа бир қанча махсус курслар ташкил қилинган. Бунда ишчилар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқидилар. Доимий равишда ишлаб турувчи бу ўқув муассасаларида 1957 йилнинг 11 ойи мобайнида 1800 ёш ишчи тайёрланди. Шулардан 1200 ёш ишчи бинокорлик бўйича турли мутахассисликни эгаллади. Бундан ташқари мингдан ортиқ ишчи ўз малакасини оширди.

ШАҲАР ПАРКИ ҚУРИЛМОҚДА

Шаҳарда марказий маданият ва истироҳат парки қурилиши қизиб кетди. Ҳозир 26 гектарли майдонда планировка ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек манзарали дарахт кўчатлари экиш юзасидан ҳам тайёргарлик кўриб қўйилди. Парк территорияси темир панжара билан ўралмоқда. Шу билан бирга аллеялар ва гул газонлари ҳам тайёрланмоқда. Проектда парк ичида икки гектар майдонда кўл ташкил этиш, эстрада саҳнаси қуриш, бесеткалар ва бошқа маданий-маиший муассасалар қуриш кўзда тутилади. 1958 йилда парк территориясига 50 минг туп дарахт кўчатлари ўтказилади.

Н. ГОРОДНИЧЕНКО.



Тошкент. Шота Руставели кўчасида қурилган янги бино.
В. Чубиков чизган расм.

Граждан авиацияси ходимларининг муваффақияти

Граждан авиацияси сўнгги йилларда халқ хўжалигининг барча тармоқларида кенг қўлланилмоқда. Моҳир учувчи ва авиациянинг инженер-техник ходимлари республикамизда пахтачиликни тобора ривожлантириш ишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Ўтган йил республикамизда бир неча юз минг гектар пахта майдонига самолётлар ёрдами билан ўғит сепилди. Бу эса, пахта ҳосилини оширди ва кўплаб ишчи кучини тежаш имконини берди. Қишлоқ хўжалик авиацияси учувчилари йиллик топшириқни барча кўрсаткичлар бўйича муддатидан илгари — 1 ноябрдаёқ 111 процент қилиб бажардилар.

Шунингдек, учувчилар Фарғона, Тошкент, Самарқанд ва Наманган каби кўпгина областларда боғлар ва узумзорларни зарарли ҳашаротлардан тозалашга актив қатнашдилар. Бундан ташқари улар, республикамиз чорвадорлари ва турли хил экспедиция қатнашчиларига ҳам яқиндан ёрдам бераётирлар.

Бошқарма бўйича пассажирлар ташиш учун белгиланган йиллик топшириқ муддатидан уч ой илгари ошириб бажарилди. 1957 йилда 1956 йилга нисбатан 100 мингга яқин кўп пассажир ташилди.

Тошкент аэропортининг учувчи, инженер-техник ходимлари коллективи Бутуниттифоқ граждан ҳаво флотининг социалистик мусобақасида голиб чиқди. Илғор коллектив СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС кўчма Қизил байроқларини олишга муваффақ бўлди. Ўзбекистон граждан ҳаво флоти бошқармасининг кўпгина эскадрильяларига «Аълочи эскадрилья» ва Черкашин, Валиев Свечков, Серов ўртоқлар командирлик қилаётган экипажларга «Аълочи экипаж» деган унвон берилди.

Х. АБДУВАЛИЕВ.

Газламалар кўримли ва чиройли бўлаётир

Тошкент тўқимачилик комбинатининг рассомлари ўтган йил мамлакатнинг кўпгина районларида бўлдилар. Табиатнинг ажойиб манзаралари уларнинг эътиборини жалб этди, халқ ижоди уларни анча қизиқтирди. Уларнинг ижодий командировкадан олган таассуротлари маҳсулот сифатини анча яхшилашга ёрдам берди. Газламалар чиройлик ва кўримли бўлиб қолди. Рассомлардан Мавлон Арслоновнинг Ўзбекистон ва Туркманистоннинг кўпгина районларида бўлиши унинг ижолига анча фойдали таъсир кўрсатди. Масалан, у қайтиб келгандан кейин оригинал ўзбек нақш санъати асосида ярим мураккаб гулларни яратди. Арслоновнинг ишлаган гуллари харидорларга жуда ёқиб қолди. Комбинатда ана шу гуллар солиниб чиқарилган 120 минг метр газлама бир неча кун ичида сотилиб кетди.

Бошқа кўпгина рассомлар ҳам ўз таассуротларини усталик билан акс эттирилар. Газламаларда боғлан худди энди узилган нафис лолани, чиройлик атиргулни, кулиб турган кўкон гулларни кўрамиз. Ҳозир қиш кезида аҳоли ана шундай гули бор газламадан тикилган чиройлик пахталик тўн, яхтак ва ҳоказолар билан безанмоқда.

Комбинатда бўёқларнинг очиқлигини ошириш соҳасида ҳам кўпгина ишлар қилинди. Қисман ана шу мақсадда газламани бўяш олдидан ишлашда ишкор концентрацияси оширилди. Пишиклити ва узоқ айнимаслиги жиҳатилан фарқ қилилиган бўёқлар кенг қўлланилмоқда.

Корхона рассомлари йил бошидан буён 120 дан кўпроқ янги расмларни ишлаб чиқаришга топширдилар. (ЎзТАГ)

Ўқувчилар кўнгилли дам олмоқдалар

Оққўрғон районидаги мактаб ўқувчиларининг қишки каникулни кўнгилли ўтказишлари учун олдиндан катта тайёрлик кўрилди. 3 минг сўмлик арча сотиб олинди, мактабларга тарқатилди. Мактаблар аса арчани безатиш учун турли ўйинчоқлар сотиб олдилар.

4, 3, 11, 13 ва 16-мактаб ўқувчиларининг бадиий ҳаваскорлик тўгараклари қатнашчилари мактабларда ўтказилаётган арча байрамларида концертлар кўрсатаётирлар.

М. ОЙДИНОВ.

Янги ётоқхона

Тошкент давлат Медицина институти территорияси йилдан-йилга кенгаймоқда, янгидан-янги қўқаватли бинолар қад кўтармоқда.

Яқинда медицина институти студентлари учун қурилган 4 қаватли ётоқхона биноси фойдаланишга топширилди. Ётоқхона 148 хонадан иборат бўлиб, ҳар бир хонада 4-6 студент истиқомат қилмоқда. Хоналар яхши жиҳозланган. Кроватларга тоза чойшоб ва одеяллар ёпилган. Ҳар бир хонада думалоқ стол, тумбочка ва шкафлар бор.

Студентларнинг дарс тайёрлаши ва маданий дам олиши учун ҳам шароит яратиб берилган. Дарс тайёрлаш учун ўқиш зали, маданий дам олиш учун қизил бурчак жиҳозлантирилган. Қизил бурчакда «Рекорд» телевизори ўрнатилган. Ётоқхонада буфет, ошхона ишлаб турибди. Студентлар партия ва хуқуматимизнинг ғамхўрлигидан чексиз миннатдорлар.

З. АХТЯМОВА.

Самарали ўтган 45 йил

Гайниш Хусановна Каримованинг номини ҳар бир ўқувчи ва ўқитувчи ҳурмат билан тилга олади.

Каримова ўзининг Ўзбекистондаги педагоглик фаолияти даврида 300 га яқин малакали кадр тарбиялаб етиштиришга муносиб ҳисса қўшди. Гайниш опа қўлида ўқиганлар ҳозирда олим, педагог, медик ва инженер бўлиб воғга етдилар. Булар орасида Ленинградлаги «Красный пролетарий» заводининг инженери А. Абдувалиев, Москвадаги болалар поликлиникасининг бош врачи У. Валданов, фан кандидатлари К. Қосимова, М. Мажидова, Тошкентдаги ядро физикаси институтининг лаборанти С. Шомуҳамедов ва бошқа ўртоқлар бор.

Ўртоқ Каримованинг хизматларини тақдирлаб, Совет ҳукумати уни Меҳнат Қизил Байроқ Ҳурмат белгиси орденлари ва бир неча медаллар билан мукофотлади. В. И. Ленин номидаги 28-ўрта мактаб коллективи ва жамоатчилик яқинда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи Г. Каримованинг педагоглик фаолиятига 45 йил тўлган куни тантанали равишда нишонладилар.

Ош қошиқда 12 китоб



Жаҳон ноширлари орасида ўз касбларини такомиллаштириб бориб, кишини ҳайратда қолдирадиган даражада гўзал ва жажжи китоблар яратганларни кўплаб учратиш мумкин. Бу соҳада айниқса рус ношиларни катта маҳорат кўрсатганлар. Пушкин ва Крилов нинг асарлари босилган энг кичик китоблар ҳалигача кишиларни ҳайратда қолдириб келади.

Мана бу суратга қаранг. Унда 12 жажжи китобнинг бир ош қошиққа жойланганини кўрасиз. Булар орасида «Қуръон»нинг миниатюра нашри, 12 минг сўзни ўз ичига сиғдирган инглиз луғати, Галилей асарлари (бу китоб почта маркасининг ярмига тенг бўлиб 208 саҳифадан иборат), Янги насиҳат китоби, 1896 йилгача жаҳоннинг энг кичик китобчаси ҳисобланган «Жажжи китобча», пергаментга босилган Ирландия шоири Роберт Бернс шеърлари тўплами, французча ва немисча справочниклар, қадимги яҳудий тилидаги Мусо Қонунлари, санскрит тилида ёзилган «Гита» деган ҳинд китоби, Ирландия ва Шотландия қўшиқлари тўплами (ноталари билан), француз конституцияси (олтин ҳал югуртирилган, чарм муқоваси китобча), бош бармоқнинг тирноғичалик келадиган китобча бор.

Бу китоблар жаҳондаги энг жажжи китоблардан ҳисобланади.

Ёзувчи А. Қаҳҳор ижодига бағишланган конференция

Яқинда Тошкент шаҳар Октябрь районидаги 141-мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари иштирокида ёзувчи Абдулла Қаҳҳор ижодига бағишланган конференция ўтказилди.

Конференцияда А. Қаҳҳор ижодининг ўзбек совет адабиётида тутган ўрни ҳақида 10-синф ўқувчиси Фарида Миршарипова, А. Қаҳҳорнинг драматик асарлари ва «Шоҳи сўзана» комедияси ҳақида 10-синф ўқувчиси Шуҳрат Азимов доклад қилди.

Ёзувчи Абдулла Қаҳҳор сўзга чиқиб, 30 йиллик ижоди давомида 3 томлик асарлар яратгани, бу жуда камлиги, бундан буён китобхонларга янги-янги асарлар тақдим қилиши ҳақида гапирди.

Конференция охирида мактаб ўқитувчи ва ўқувчилар ижросида А. Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана», «Оғриқ тишлар» пьесаларидан парчалар, «Асрор бобо» хикояси асосида ишланган инсценировка кўрсатилди.

Қисқа сатрларда

*** Бекобод.** Райондаги 1-«Далдаварзин» совхозида 15 хонали идора, 100 кишилик чойхона биноси қуриб, ишга туширилди. Шунингдек, совхознинг бўлимларида 40 дан ортиқ икки хонали уй-жой бинолари қад кўтарди.

Ю. Отажонов.

*** Оҳангарон.** Шаҳардаги кўмир корхоналарининг ишчи, хизматчиларидан кўп киши ўз меҳнат отпускаларини дам олиш уйлари ва санаторийларда ўтказадилар. «Узбекшахтострой» трестининг 4-қурилиш бошкармаси ва «Узбекутоль» комбинатининг 9-шахта ишчиларидан 300 га яқин киши 1957 йилда дам олиш уйлари ва санаторийларда хордик чиқардилар.

А. Кўкиев.

*** Паркент.** Заркент қишлоқ совети территориясидаги Ленин номли колхоз меҳнаткашларининг ташаббуси билан 15 гектар ерга гок кўчатлари ўтказилди. Янги ташкил қилинган бу боғни парвариш қилиш учун махсус кишилар тайинланди.

Т. Эшматов.

*** Янгийўл.** Районнинг Свердлов номли колхози территориясида турли жамоат бинолари қад кўтармоқда. 1957 йилда бу ерда қироатхона, магазин, қишки клуб ва сельпо учун идора бинолари қуриб битказилди.

Қ. Собиров.

*** Тошкент.** «Узбексельмаш» заводи билан вокзал орасида янги автобус машинаси қатнай бошлади. Янги маршрутнинг очилиши завод ишчиларига катта қулайлик туғдирди.

Қ. Аҳмеров.

*** Гулистон.** Бу ерда район ДОСААФ комитети томонидан уч ойлик шоферлар курси ташкил қилинди. Ҳозир бу курсда 60 киши ўқимоқда.

Х. Маманазаров.

*** Мирзачўл.** «Первомаец» совхозида электростанция қурилиб ишга туширилди. Бу станциядан 700 га яқин хонадоннинг уйи ёритилмоқда. Шунингдек, совхозда 900 бош чўчка сиғадиган, 300 та сигир сиғадиган катта бинолар қуриб, ишга туширилди.

А. Отажонов, Т. Муслимов.

РЕПОРТАЖ

„ДИНАМО" СПОРТ ЗАЛИДА

Биз «Динамо»нинг қишки залидамиз. Ҳозиргина акробатларнинг машғулоти тамом бўлди. Тренер Лакизо раҳбарлигида акробатчилар матлар ва спорт инвентарларини йиғиштириб бир жойга тахладилар.

Мана энди залга боскетболчилар кириб келадилар. Бу боскетболчи қизлар пойтахтимизда кўзга кўринган спортчилардир. Улар шаҳар ва республика мусобақаларида қатнашиб, биргина ўзларининг эмас, тренер Виктор Петрович Ритикозининг ҳам обрўсини оширганлар.

— Бегом, марш! — тренернинг бу командасидан сўнг қизлар югура бошладилар ва гимнастика ҳаракатларини бажаришга ўтадилар.

Улар энди тўпни сеткага ташлаш техникасини ўрганиш учун бир-бирларига тўп ошира бошладилар. Юля Дубцева ташлаган тўп хатосиз сеткага тушади. Юля кўп йилдан бери баскетбол ўйнайди. Шунинг учун у тўпларни сеткага бехато туширади. Политехника институтининг студенткаси Алла Бербенцова Юлядан қолишмайди. У биринчи разрядга ўтган йили норма топширган эди. Алла Ўзбекистоннинг герма командасида қатнашиб, республикамиз шарафи учун бир неча бор курашган қиз.

Тренернинг тўсатдан чалган ҳуштаги сеткага тўп ташлашни машқ қилаётган қизларнинг ҳаракатини тўхтатади.

— Энди ўйинга ўтамиз,— дейди тренер.

Қизлар иккига бўлиндилар. Қизларнинг кескин ҳаракати, сеткага тўғри йўналтилаётган тўп тренерни анча хурсанд қиларди. Баскетболчи қизлар бир-бирлари томонига галма-гал ўтиб қаттиқ ҳужум қилиб, сеткага тўпни кетма-кет усталик билан туширадилар.

Қизлар ўйини тамом бўлиши билан залга баскетболчи эркаклар келадилар. Республикамиз баскетболчиларига таниш бўлган Б. Холомейзер ўз тенгқурлари орасида сеткага тўп ташлаш бўйича ўрнак бўлаётир. У ташлаган тўплар кетма-кет сеткага тушиб, ҳаммани ҳайратда қолдиради.

Ҳозирча, баскетбол машғулоти кетаётган пайтда нариги залда ўйнаётган боксчиларнинг ҳаракати бизнинг ҳаракатимизга ҳалақит бермаслиги учун ҳеч ким ҳеч нарсадан ҳайиқмасдан, ўз ишини давом эттирилар. Залда боксчилар ҳаракатини ўрганиш учун бир-бирларига ёрдам берадилар. Ҳозирги ёшлар ҳаётимизнинг ҳар бир соҳасида ҳаракатчан, ҳаракатчан, ҳаракатчан ва ҳаракатчан бўлиб, ҳаракатчанлик ҳаётимизнинг ҳар бир соҳасида ҳаракатчанлик ва